БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№246—247 (5837—5838)

26 Октябрь 1985 й.

ШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 5 тийин

**БУГУН СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.**

**ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММА ЛОЙИҲАСИНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИ ЯКДИЛЛИК БИЛАН МАЪҚУЛЛАДИ ВА ПЛЕНУМ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, У СССР БАРЧА КОММУНИСТЛАРИНИНГ, ҲАММА МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ КЕНГ МУҲОКАМАСИГА ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ. МУҲОКАМА ЯКУНЛАРИ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММА ЛОЙИҲАСИНИ УЗИЛ-КЕСИЛ КЎРИБ ЧИҚИШ ПАЙТИДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНАДИ.**

**ПАРТИЯНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ МУҲОКАМАСИГА ВА ТАСДИҒИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.**

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.**

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

*ЛОЙИҲА*

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

## (ЯНГИ ТАҲРИРИ)

## *КИРИШ*

Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли бунёд бўлган Советлар мамлакати катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Коммунистик партия раҳбарлигида оламшумул-тарихий ғалабаларга эришилди. Ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларини изчил ифода этаётган, маркс-ча-ленинча таълимот, революцион кураш ва социалистик қурилишнинг ғоят бой тажрибаси билан қуролланган КПСС совет халқини коммунистик бунёдкорлик ва тинчлик йўлидан комил ишонч билан бошлаб бормоқда.

Партия коммунистларнинг биринчи программавий ҳужжати — «Коммунистик партия манифести»да эълон қилинган жамиятни социалистик асосда ўзгартириш ғояларининг, халқаро ишчилар ҳаракати революцион анъаналарининг, Париж Коммунаси қаҳрамонлари сўнмас жасоратининг муносиб давомчиси сифатида сиёсий майдонга чиқди. Илмий коммунизм асосчилари Карл Маркс билан Фридрих Энгельс синфий курашнинг тарихий тажрибасига, инсоният илғор тафаккурининг ютуқларига таяниб, ижтимоий ривожланишнинг объектив қонунларини кашф этдилар, капитализм емирилиши муқаррарлигини назарий исботлаб, янги, социалистик тузум ижодкори бўлмиш пролетариатнинг оламшумул-тарихий вазифасини асослаб бердилар. Уларнинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган оташин даъвати ҳозирда ҳам ишчилар ҳаракатининг жанговар шиори бўлиб қолмоқда.

Маркс ва Энгельс ишининг гениал давомчиси Владимир Ильич Ленин янги тарихий шароитларда уларнинг таълимотини ҳар томонлама ривожлантириб, ҳозирги замоннинг туб масалаларини ҳал қилиб берди, ишчилар ҳаракатини социалистик революция ва социалистик қурилиш назарияси, уруш ва тинчлик проблемаларига илмий қарашлар системаси билан қуроллантирди.

Марксизм-ленинизм — яхлит революцион таълимот. Улуғ Ленин ташкил этган партия илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан боғлашнинг, назария билан практика чамбарчас бирлигининг жонли тимсоли бўлиб қолди. У ҳамиша марксизм-ленинизм партияси, революцион ҳаракат партияси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверади.

КПСС ҳар бир тарихий босқичда ўз программаларида илмий асосланган вазифаларни ҳал этди.

Большевистик партия 1903 йилдаги II съездда биринчи Программани қабул қилиб, Россия ишчилар синфи, деҳқонлари, барча меҳнаткашларини чор самодержавиесини, сўнгра эса капиталистик тузумни ағдариб ташлаш учун курашга бошлади, Россиядаги уч революция алангаларидан ўтди. 1917 йилнинг октябрида ишчилар синфи сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олди. Тарихда биринчи марта ишчи ва деҳқонлар давлати бунёд этилди. **Янги дунёни қуриш бошланди.**

Партия 1919 йилги VIII съездда иккинчи Программани қабул қилиб, социализм қуриш вазифасини илгари сурди. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида синаб кўрилмаган йўлдан бориб, ғоят катта қийинчиликларни енгиб, мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, Ленин ишлаб чиққан социализм қуриш планини амалга оширди. **Мамлакатимизда социализм реал воқелик бўлиб қолди.**

Партия 1961 йилги XXII съездда учинчи Программани қабул қилиб, коммунистик қурилишнинг барча йўналишларида ғоят катта ишларни авж олдириб юборди. Совет халқи ишлаб чиқарувчи кучларни, иқтисодий ва социал муносабатларни, социалистик демократияни, маданиятни ривожлантиришда, янги инсонни камол топтиришда катта муваффақиятларга эришди. **Мамлакат ривожланган социализм босқичига қадам қўйди.** Империалистларнинг жабр-зулм, агрессия ва уруш сиёсатига қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда қудратли омил бўлмиш Совет Иттифоқининг роли ошди.

Учинчи Программа қабул қилинганидан кейин ўтган вақт унинг асосий назарий ва сиёсий йўл-йўриқлари тўғрилигини тасдиқлади. Шу билан бирга тўпланган тажриба, мамлакатнинг ички турмушида ва жаҳон майдонида рўй берган ўзгаришларни илмий идрок этиш совет жамиятини ривожлантириш истиқболларини, пировард мақсад — коммунизмга эришиш йўллари ва воситаларини, янги тарихий шароитда халқаро сиёсат вазифаларини аниқроқ ва конкретроқ белгилаб олиш имконини беради.

**КПССнинг ҳозирги таҳрирдаги учинчи Программаси — социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида совет жамиятини коммунизм сари янада олға силжитиш программасидир. Бу Программа — тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш программасидир.**

## БИРИНЧИ ҚИСМ

# КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМГА ЎТИШ— ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

## I. УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА СССРДА СОЦИАЛИЗМ ҚУРИЛИШИ

Инсониятнинг социализм томон Октябрь революцияси бошлаб берган оламшумул-тарихий бурилиши — жамият тараққиётининг қонуний натижасидир.

Капитализм — инсоният тарихида сўнгги эксплуататорлик тузумидир. Капитализм ишлаб чиқарувчи кучларни беҳисоб ривожлантириб, сўнгра ижтимоий тараққиёт йўлидаги тўсиққа айланди.

Капитализмнинг бутун тарихи — унинг асосий зиддияти— ишлаб чиқаришнинг ижтимоий хусусияти билан ўзлаштиришнинг хусусий капиталистик формаси ўртасидаги зиддиятнинг чуқурлашуви, ишчилар синфи билан барча меҳнаткашларни эксплуатация қилишнинг кучайиши, меҳнат билан капитал, мазлумлар билан золимлар ўртасидаги курашнинг кескинлашуви тарихи, иқтисодий кризислар, социал-сиёсий ларзалар, меҳнат аҳлига сон-саноқсиз кулфатлар келтирувчи босқинчилик урушлари ва можаролар тарихидир.

Капиталнинг концентрациялашиш ва марказлашиш жараёни XX асрнинг бошларида бутун иқтисодий ва сиёсий ҳаётда асосий воситаларни эгаллаб олган капиталистларнинг қудратли монополистик иттифоқларини вужудга келтирди. Капитализм ўзининг олий ва сўнгги босқичи — империализм босқичига кирди. Ленин таъбири билан айтганда, «империалистик капитализм миллатларни жуда ҳам қаттиқ эзувчи золимга айланди», агрессив урушларнинг асосий манбаи бўлиб қолди.

Империализм босқичида капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларини социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари билан алмаштириш учун моддий шароитлар таркиб топади, музаффар социалистик революциянинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари етилади. **Тарих эски жамиятни революцион тарзда ўзгартириш ва янги жамиятни бунёд этиш вазифасини ишчилар синфи зиммасига юклади.** Ишчилар синфи шу вазифани амалга ошира бориб, ўзининг синфий манфаатларинигина эмас, шу билан бирга барча меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳам ифода этади.

Россияда чоризм зулми, крепостнойлик сарқитлари чуқурлаштириб юборган империализм зиддиятлари ниҳоятда зўр куч билан намоён бўлди. Россия халқаро империализмнинг энг заиф бўғини, унинг зиддиятлари бир тугунга тўпланган жой бўлиб қолди. Жаҳон революцион ҳаракатининг маркази айни шу ерга кўчди. Россия пролетариати олдида ниҳоятда қийин ва ғоят масъулиятли вазифа—буржуазиянинг жаҳонга ҳукмронлик занжирини биринчи бўлиб парчалаб ташлаш вазифаси кўндаланг бўлди. Янги типдаги партия—пролетариатнинг жанговар революцион ташкилоти раҳбарлигидагина шундай қилиш мумкин эди.

**Большевистик партия ташкил этилганлиги Россия ва халқаро ишчилар ҳаракати тарихида бурилиш нуқтаси бўлди.** Большевистик партия ташкил этилганлиги ижтимоий тараққиётнинг объектив эҳтиёжи, пролетариат синфий курашининг ифодаси, Ленин, унинг теварагида жипслашган марксистлар илмий зукколигининг самараси, тинимсиз сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятининг натижаси бўлди. Лениннинг «Бизга революционерлар ташкилотини беринг-чи, биз Россияни тубдан ўзгартириб юборамиз!» деган эҳтиросли даъватини Россия жамиятидаги ишчилар, илғор кишилар, меҳнаткаш халқнинг энг яхши намояндалари ақлан ва қалбан қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Ленин партиянинг идеологик, сиёсий ва ташкилий принципларини, унинг омма ўртасидаги иш усулларини ишлаб чиқди. Янги типдаги партия ревизионизм ва ўнг оппортунизм, догматизм ва сўл авантюризм билан муросасиз олишувларда ташкил этилди.

Империализм давридаги биринчи халқ революцияси — 1905—1907 йиллардаги революциянинг ўзиёқ ишчилар синфининг кучини кўрсатди, пролетариат келгуси ғалабаларининг муқаддимаси бўлди. 1917 йилги февраль буржуа-демократик революцияси чоризмни супуриб ташлади. Аммо бу революция халқ оммасини социал ва миллий зулмдан, империалистик уруш машаққатларидан халос қилмади, Россия жамиятини кемираётган зиддиятларни ҳал этмади. Социалистик революция замоннинг қатъий талаби бўлиб қолди.

Россия ишчилар синфи ғоят юксак даражада революционлиги ва уюшқоқлиги билан ажралиб турарди. Сиёсий жангларда чиниққан, илғор революцион назарияни эгаллаб олган большевистик партия ишчилар синфига бошчилик қилар эди. Ленин партияни равшан кураш истиқболи билан қуроллантириб, пролетар революцияси империализм шароитида дастлаб битта ёки алоҳида олинган бир нечта мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги таълимотни яратди.

Ишчилар синфи Большевиклар партиясининг даъвати билан ва унинг раҳбарлигида капитал ҳукмронлигига қарши кескин жангга отланди. Партия пролетариатнинг социализм учун курашини, деҳқонларнинг ер учун курашини, Россиядаги эзилган халқларнинг миллий озодлик курашини, империалистик урушга қарши, тинчлик учун умумхалқ ҳаракатини бир қудратли оқим қилиб бирлаштирди ва уни буржуа тузумини ағдариб ташлашга йўллади.

**Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон тарихида бурилиш ясаган воқеа бўлди, жаҳон тараққиётининг бош йўналиши ва асосий тенденцияларини белгилаб берди. Бу революция капитализмни янги, коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация билан алмаштиришдан иборат енгилмас жараённи бошлаб берди.**

Тарихда биринчи марта пролетариат диктатураси давлати вужудга келди. Ишчилар синфи ўз теварагига барча меҳнаткашларни бирлаштириб, капитализмдан социализмга ўтиш даврининг ғоят мураккаб вазифаларини ҳал қилишга, янги жамият асосларини барпо этишга киришди.

Сиёсий ҳокимият қўлга киритилганлиги, гражданлар уруши фронтларида эришилган ғалабалар, чет эл ҳарбий интервенциясининг тор-мор этилганлиги, янги ҳаёт қуриш истиқболлари очилганлиги меҳнаткашлар оммасининг кучи ва революцион ғайрат-шижоатини ниҳоятда жўш урдириб юборди. Меҳнаткашлар оммаси хўжалик вайронлиги, буржуазиянинг контрреволюцион фитналари ва саботажи, мамлакатнинг техникавий-иқтисодий ва маданий қолоқлиги юзага келтирган маҳрумликлар ва машаққатларни енгиб ўтди. Ўтиш даврида синфий кураш баъзида ўткир тўқнашувлар тусини олди. Советлар мамлакати душман бўлган капиталистик қуршовнинг шиддатли ҳужумларига, кўпдан кўп ҳарбий ва сиёсий иғвогарликларга дуч келди..

Партия омманинг ғайрат-шижоатига таяниб, ўнг ва «сўл» оппортунистларнинг ҳуружларини даф этиб, ўзининг ғоявий-сиёсий ва ташкилий бирлигини мустаҳкамлаб, социализмни барпо этишнинг ленинча бош йўлини оғишмай ўтказиб келди.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари халқ қўлига ўтди. Ер, заводлар, фабрикалар, банклар **национализация қилинганлиги** ижтимоий социалистик мулкни қарор топтириш ва ривожлантириш, хўжаликнинг планли системасини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлади. Мамлакатни **индустрлаштириш** Совет Иттифоқини қудратли саноат давлатига айлантирди. Қишлоқ хўжалигини **коллективлаштириш** иқтисодий муносабатларда, деҳқонларнинг бутун турмуш тарзида чуқур тўнтариш бўлиб қолди. Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи мустаҳкам социал-иқтисодий негизда қарор топтирилди. **Маданий революция** натижасида саводсизлик тугатилди, меҳнат аҳлининг ижодий кучларини ривожлантириш, уни маънавий жиҳатдан равнақ топтириш учун кенг имкониятлар очилди, социалистик интеллигенция шаклланди, марксча-ленинча идеология совет кишиларининг онгида ҳукмрон идеология бўлиб қолди.

**Миллий масаланинг** ҳал қилиниши—социализмнинг энг буюк ютуғидир. Октябрь ғалабаси миллий зулмга ва миллатларнинг ҳуқуқий тенгсизлигига абадий барҳам берди. Тенг ҳуқуқли эркин халқларнинг ихтиёрий асосларда кўпмиллатли ягона давлатга— Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бирлашуви ғоят катта роль ўйнади. Социалистик қурилиш давомида собиқ миллий чекка ўлкалар иқтисодий, социал ва маданий жиҳатдан жадал тараққий этиши таъминланди. Миллий адоват ўтмишда қолиб кетди, СССРдаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги, мустаҳкам ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдами ҳаёт нормаси бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммаси оламшумул-тарихий аҳамиятга молик социал тўнтариш амалга оширилганлиги — хусусий мулкчиликнинг асрий ҳукмронлигига абадий барҳам берилганлигини, одам одамни эксплуатация қилиши тугатилганлигини билдирди. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлиларининг, барча миллат меҳнаткашларининг муштарак манфаатлари негизида совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги таркиб топди. Меҳнат аҳли мамлакатнинг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб қолди. **СССРда социалистик жамият асосан барпо этилди.**

Улуғ Ватан уруши янги тузумни қаттиқ синовдан ўтказди. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари партия теварагига жипслашиб, мислсиз қаҳрамонлик кўрсатиб, жаҳон империалистик реакциясининг зарбдор отрядини қақшатқич мағлубиятга учратдилар. Совет Иттифоқи ўз ғалабаси билан Европа халқларини нацистлар қуллигидан ҳалос этишга, жаҳон цивилизациясини гитлеризм жаҳолатидан омон сақлаб қолишга ҳал қилувчи ҳисса қўшди. Германия фашизми билан Япония милитаризмининг тор-мор этилганлиги халқларнинг тинчлик, демократия, миллий-озодлик ва социализм йўлидаги кураши учун янги-янги имкониятлар очди. Совет халқининг ғалабаси Совет давлатининг халқаро обрў-эътиборини юксакликка кўтарди.

СССР қисқа муддат ичида урушнинг оғир жароҳатларини тузатиб, ўзининг иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа қудратини анча мустаҳкамлади, халқаро позицияларини кучайтирди. **Мамлакатимизда социализм батамом ва узил-кесил ғалаба қозонди.**

Совет жамияти эришилган ютуқларга таяниб, иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ривожланишнинг барча соҳаларида олға томон дадил ҳаракат қилишни давом эттираверди. Мамлакатда яхлит халқ хўжалик комплекси таркиб топди. Мамлакатнинг шимолида ва шарқида янги катта-катта районлар ўзлаштирилди, табиат неъматларидан фойдаланиш яхшиланди. Миллий даромад, ижтимоий меҳнат унумдорлиги талай даражада ошди. Халқ фаровонлиги даражаси анча юксалди, уй-жой қурилиши улуғвор программаси амалга оширилди. Халқнинг маънавий бойлиги кўпайди, умумий ўрта таълимга ўтилди, совет фани ва техникаси ғоят катта муваффақиятларга эришди. Совет Иттифоқида биринчи атом электр станцияси ва биринчи атом музёрар кемаси барпо этилди, Ернинг биринчи сунъий йўлдоши парвоз қилди, ичида одами бўлган биринчи космик кема учирилди.

Социалистик ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланди. Кишиларнинг янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқи таркиб топди.

Партия большевистик принципиаллик ва ўз-ўзини танқид руҳини намоён этиб, омманинг мададига таяниб, шахсга сиғиниш оқибатларини, партия ва давлат раҳбарлигининг ленинча нормаларидан чекинишларни тугатиш, субъектив, волюнтаристик хатоларни тузатиш юзасидан катта ишларни амалга оширди. Социалистик демократия янада ривожлантирилди, совет қонунчилиги мустаҳкамланди.

СССР билан АҚШ, Варшава Шартномаси ташкилоти билан НАТО ўртасида ҳарбий-стратегик мувозанат ўрнатилганлиги социализмнинг тарихий ютуғи бўлди. Бу ютуқ СССРнинг, социализм мамлакатлари ва барча тараққийпарвар кучларнинг позицияларини мустаҳкамлади, империализм агрессив доираларининг жаҳон ядро урушида ғалаба қозонишга бўлган режаларини чиппакка чиқарди. Ана шу мувозанатни сақлаб қолиш—тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг жиддий гаровидир.

СССРнинг, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаси инсоният тараққиётининг капитализмдан устун босқичи сифатида янги жамиятнинг сўзсиз социал-иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва маънавий афзалликларини яққол намойиш этмоқда, буржуа тузуми ҳал этишга қодир бўлмаган саволларга жавоб топиб бермоқда.

Социализм— байроғига «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган сўзлар ёзиб қўйилган жамиятдир. Бу шундай жамиятки, унда:

— ишлаб чиқариш воситалари халқ қўлида бўлиб, одамодамни эксплуатация қилишига, социал зулмга, имтиёзли озчиликнинг ҳукмронлигига, миллионлаб кишиларнинг қашшоқлиги ва саводсизлигига абадий барҳам берилган;

— ишлаб чиқарувчи кучларни жўшқин ва планли равишда ривожлантириш учун ғоят кенг уфқлар очилгандир, фан-техника тараққиёти миллионларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлмай, балки бутун халқнинг фаровонлигини муттасил оширишга хизмат қилади;

— «Ҳар кимдан—қобилиятига яраша, ҳар кимга—меҳнатига яраша» принципига мувофиқ меҳнат қилиш ва унга одилона ҳақ тўланишидан иборат тенг ҳуқуқ таъминланган, аҳоли бепул медицина хизмати, маориф, жуда кам ҳақ тўланадиган уй-жой каби социал неъматлардан фойдаланади;

— ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи қарор топган, хотин-қизларга эркаклар билан ҳақиқатан ҳам тенг ҳуқуқлар берилган, ёш авлодга эртанги куннинг ишончли йўли очилган, меҳнат ветеранларининг социал таъминоти гарантияланган;

— миллий тенгсизлик бартараф этилган, барча миллат ва элатларнинг амалдаги ҳамда юридик тенглиги, дўстлиги ва қардошлиги қарор топган;

— чинакам демократия— халқ учун ва халқнинг ўзи амалга ошираётган ҳокимият ўрнатилган ва ривожланмоқда, гражданларнинг ишлаб чиқаришни, жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги тобора кенг ва тўла ҳуқуқли иштироки таъминланган;

— эркинлик, инсон ҳуқуқлари, шахснинг қадр-қиммати ғоялари реал ҳаётий мазмун билан тўлдирилган, ҳуқуқ ва бурчларнинг бирлиги таъминланмоқда, ҳамма ва ҳар бир киши учун ягона ахлоқ қонунлари ва нормалари, битта интизом амал қилмоқда;

— чинакам инсонпарвар марксча-ленинча идеология ҳукмронлик қилмоқда, халқ оммаси барча билим манбаларидан баҳраманд бўлмоқда, умумжаҳон маданиятининг барча яхши жиҳатларини ўзига сингдириб бораётган илғор маданият яратилган;

— социал адолат, коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдамга асосланган, меҳнат аҳлининг келажакдан кўнглини тўқ қиладиган, янги ижтимоий муносабатлар, ўз тақдири ижодкори сифатида уни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан улуғловчи социалистик турмуш тарзи таркиб топди.

Социализм — халқаро майдонда ўй-фикри ва хатти-ҳаракатлари халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиётга бўлган муддаосини қўллаб-қувватлашга қаратилган, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан иборат бош вазифага бўйсиндирилган жамиятдир.

Совет халқининг фидокорона меҳнати, экономика, социал ва сиёсий соҳалардаги, фан ва маданият соҳасидаги катта-катта муваффақиятлар мамлакатимизни ривожланган социализм босқичини очиб берган янги тарихий марраларга олиб чиқди. Социалистик жамиятни бутун чоралар билан ва ҳар томонлама такомиллаштириш, унинг имконият ҳамда афзалликларидан яна ҳам тўлиқ ва самарали фойдаланиш вазифаси кун тартибига қўйилди.

## II. ҲОЗИРГИ ДУНЁДА ТАРАҚҚИЁТ ВА РЕАКЦИЯ КУЧЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КУРАШ

Улуғ Октябрь бошлаб берган социал озодлик жаҳоншумул-тарихий жараёни Германия фашизми билан Япония милитаризми тор-мор этилганидан кейин бир қанча мамлакатларда — Европада, Осиёда, сўнгра эса Америкада ҳам эксплуататорлар ҳокимиятининг ағдариб ташланиши билан нишонланди. **Дастлаб бизнинг мамлакатимизда воқеликка айланган социализм жаҳон системаси бўлиб қолди.** Марксизм-ленинизмнинг янги жамият қуриш назарияси халқаро миқёсда синовдан ўтди, социализм Ер куррасининг жуда катта кенгликларида қарор топди, унинг шак-шубҳасиз афзалликлари мамлакатларнинг бутун бир группаси мисолида яққол тасдиқланди, юз миллионлаб кишилар коммунистик цивилизацияни бунёд этиш йўлидан бормоқдалар. Тобора янги-янги халқлар капитализмга ишончни йўқотмоқдалар, ўзининг ривожланиш истиқболларини у билан боғлашни хоҳламаяптилар, социалистик мамлакатларда қарор топган ижтимоий тузум типига, ижтимоий муносабатларга сабот билан интилмоқдалар.

Социализмнинг муваффақиятлари уларга ғоят қисқа тарихий муддатларда, империализмнинг иқтисодий зуғумдан ва мафкуравий ғаламисликлардан тортиб контрреволюцион тўнтаришлар уюштиришга бевосита уринишгача етиб борган узлуксиз тазйиқи шароитида эришилганлиги учун ҳам жозибадордир.

Социалистик мамлакатларда орттирилган тажрибанинг аҳамияти сўнмасдир. Ўтган ўн йилликлар социалистик қурилиш практикасини бойитди, социализм дунёсининг кўп қирралилигини яққол намоён этди. Айни вақтда шу ўн йилликлар тажрибаси **социализм ривожининг умумий қонуниятлари,** чунончи: ишчилар синфининг етакчилик роли шароитида меҳнаткашлар ҳокимияти; илмий социализм идеологияси билан қуролланган Коммунистик партиянинг жамият ривожланишига раҳбарлиги; асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги қарор топиши ва шу негизда экономиканинг бутун халқ манфаатлари йўлида планли ўсиши; «Ҳар кимдан—қобилиятига яраша, ҳар кимга— меҳнатига яраша» принципининг амалга ошиши; социалистик демократиянинг ривожланиши; барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги; революцион ғалабаларни синфий душманларнинг ҳамлаларидан ҳимоя қилиш сингари умумий қонунларнинг жуда катта аҳамиятидан далолат беради.

**(Давоми 2-бетда).**

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Социалистик мамлакатлардан ҳар бирининг конкрет шароитларида умумий қонуниятлардан фойдаланиш — уларнинг дадил олға интилиши, ўсиш қийинчиликларини енгиб ўтиш ва рўй берадиган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишнинг асосидир, раҳбар коммунистик партияларнинг социалистик ривожланиш умумий жараёнига реал ҳиссасидир.

Социализм социалистик давлатлар ўртасида вужудга келадиган халқаро муносабатларнинг мисли кўрилмаган янги типини юзага чиқарди. Марксизм-ленинизм идеологияси, синфий бирдамлик, янги жамиятни қуриш ва уни ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал этишдаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, ҳар бир давлатнинг тенг ҳуқуқлилиги, унинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш бу муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

**Социалистик ҳамдўстликда** социалистик интернационализм муносабатлари тўла-тўкис мужассамлашди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида, Варшава Шартномаси ташкилотида қатнашувчи ҳамдўстлик мамлакатлари туб манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги билан, кўп қиррали кенг ҳамкорлик алоқалари билан бирлашиб, ўзларининг халқаро ишлардаги ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиб бормоқдалар. Мамлакатларнинг бундай ҳамжамияти тарихда бўлган эмас, бу ҳамжамиятда ҳеч кимнинг алоҳида ҳуқуқлари ва имтиёзлари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ундаги халқаро муносабатлар ҳақиқатан ҳам халқлар ўртасидаги муносабатларга айланган, унда олий партия ва давлат раҳбарларидан тортиб меҳнат коллективларигача — жуда турли поғоналарда жонли самарали алоқалар вужудга келган ва ривожланмоқда. Ҳамдўстлик социалистик қурилишда қардош давлатларнинг кучига куч қўшмоқда, уларнинг ишончли хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Социалистик мамлакатларнинг ўзаро тобора кўпроқ яқинлашиб боришга бўлган объектив эҳтиёжи социализм моҳиятининг ўзидан келиб чиқади. Агар капиталистик дунёда иқтисодий, социал-сиёсий ва маданий ривожланишнинг нотекислик қонуни амал қилса, кучли мамлакатлар заиф мамлакатларни талаш ҳисобига бойлик орттирса ва уларнинг қолоқлигини шу ҳолда сақлаб қолишга зўр бериб уринса, социализм эса камроқ ривожланган мамлакатларни илғор мамлакатлар даражасига етказиб олиш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Социалистик мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиш даражаси нақадар юқори ва нақадар бир-бирига яқин бўлса, уларнинг ҳамкорлиги шу қадар кенг ва чуқурроқ бўлади, уларнинг ўзаро яқинлашув жараёни шу қадар узвийроқ бўлади.

Жаҳон социализм системасининг ташкил топиши, социалистик ҳамдўстликнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши **халқаро майдондаги кучлар нисбатининг** социал тараққиёт, демократия, миллий озодлик ва тинчлик учун курашаётган халқлар фойдасига **тубдан ўзгаришига** олиб келди. Социалистик ҳамдўстлик — ҳозирги замоннинг энг обрў-эътиборли кучидир, жаҳон сиёсатининг биронта масаласи унинг иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас; у Ер юзида тинчликнинг суянган тоғи, халқаро муносабатлардаги соғлом, тинч, демократик негизларнинг энг изчил ҳимоячисидир, империалистик реакция йўлидаги энг катта тўсиқдир.

Ёш, келажакка интилувчи социализм дунёсига ҳали ҳам кучли ва хатарли, аммо заволга юз тутган капитализм эксплуататорлик дунёси қарама-қарши турибди. **Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашиб бормоқда.** Унинг ҳукмронлик доираси муттасил тораймоқда, унинг тарихан ҳалокатга маҳкумлиги тобора равшан бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замон капитализми XX аср бошларидаги ва ҳатто ўрталаридаги капитализмдан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Монополиялар билан давлатнинг кучини ягона механизмда бирлаштириб турган давлат-монополистик капитализми шароитида улкан даражада ўсган ишлаб чиқарувчи кучлар билан капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги ихтилоф тобора кескинлашиб бормоқда. Экономиканинг ички беқарорлиги кучаймоқда, бу ҳол унинг ўсиш умумий суръатлари секинлашувида, циклли ва структуравий кризислар бир-бирига чатишиб, чуқурлашиб боришида ифодаланмоқда. Оммавий ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши сурункали иллат бўлиб қолди, бюджет камомадлари ва давлат қарзлари жуда катта миқёсларга етиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида меҳнаткашларни эксплуатация қилиш ҳисобига жуда катта фойда ундириб олаётган миллатлараро корпорацияларнинг кучайиши —ишлаб чиқаришни капиталистик концентрациялаш ва интернационаллаштиришнинг бевосита натижасидир. Улар ёш давлатларнинг суверенитетига путур етказибгина қолмай, ривожланган капиталистик мамлакатларнинг миллий манфаатларига ҳам кўз олайтирмоқда.

Капитализм ўзгарган вазиятга мослашишга уриниб, доимо найранг ишлатмоқда. Буржуа давлати бюджет орқали миллий даромаднинг анчагина қисмини йирик капитал фойдасига қайта тақсимламоқда, энг янги фан-техника ютуқларини ўзига хизмат қилдиришга уринмоқда. Эксплуатация қилиш механизми мураккаблашиб, маккорона тус олди. Ходимларнинг малакасидан, интеллектуал кучларидан ва асаб қувватидан тобора кўпроқ фойда чиқариб олинмоқда.

Жаҳон социализмининг ошиб бораётган таъсири вазиятида меҳнаткашларнинг синфий кураши вақти-вақти билан капиталистларни қисман ён беришларга, меҳнат шароитларини, меҳнатга ҳақ тўлашни, социал таъминотни бирмунча яхшилашга рози бўлишга мажбур этмоқда. Энг асосий нарсани — капиталнинг ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун шундай қилинмоқда. Аммо бундай найранглар зўравонлик ҳаракатлари билан, монополияларнинг ва буржуа давлатининг меҳнаткашлар турмуш даражасига бевосита ҳужуми билан тобора тез-тез қўшиб олиб борилмоқда.

Капитализм шароитидаги фан-техника революцияси оғир социал оқибатларга олиб бормоқда. Корхоналардан ишдан бўшатиб юборилаётган миллион-миллион меҳнаткашлар касб-коридан ажраб қолмоқдалар, моддий муҳтожликларга маҳкум бўлмоқдалар, келажакдан ҳар қандай умидни узмоқдалар. Маълумот олган ёшларнинг анчагина қисми ўз кучи ва билимини ишлатишга жой тополмаяпти, ўз аҳволининг ночорлигидан азоб чекяпти. Иқтисодий ривожланишнинг ҳолати ҳар қандай бўлган тақдирда ҳам оммавий ишсизлик давом этмоқда, унинг янада кўпайиши реал истиқбол эканлиги ижтимоий тузум сифатида капитализм учун жуда таҳликали ларзаларни келтириб чиқаради.

Монополиялар экономиканинг аграр секторида ҳукмронлик позицияларини эгаллаб олди. Миллион-миллион фермерлар ишлаб чиқаришдан қисиб чиқарилмоқда, бир амаллаб омон қолганлар эса ҳаддан ташқари кўп меҳнат ва маҳрумликлар эвазига жон сақлаб турибдилар. Фермерлар оилаларининг тақдири бозордаги ўзгаришларга ва монополияларнинг бедодлигига батамом қарам бўлиб қолган. Собиқ мустамлака ва ярим мустамлакалардаги деҳқонларнинг қисмати айниқса оғир. Шаҳарлардаги майда ва ўрта корхона эгалари йирик капитал томонидан тобора кучлироқ эксплуатация қилинмоқда, молиявий қарамлик тўри билан ўраб олинган.

Ҳатто энг ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам бошпанасидан маҳрум бўлган, саводсиз, медицина ёрдами билан таъминланмаган кишилар жуда кўп. Майда миллатларни камситишдек шармандали аҳвол сақланиб қолмоқда, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари поймол қилинмоқда.

Сиёсий соҳада ҳамма жабҳалар бўйлаб реакцияни кучайтириш тенденцияси империализмга хос хусусиятдир. Меҳнаткашлар шиддатли курашда муайян демократик ҳуқуқларга эришган жойларда давлат-монополистик капитали шу ҳуқуқларга зўр бериб, баъзан устомонларча ниқобланиб ҳужум қилмоқда. У ўзи учун хатарли вазиятларда ҳеч иккиланмай сиёсий дўқ-пўписа, жабр-зулм, террор ва жазо чораларини ишга солмоқда. Неофашизм сиёсат майдонига тобора фаолроқ чиқмоқда. Меҳнаткашларни бостиришнинг одатдаги формалари иш бермаган жойларда империализм тараққийпарвар кучлардан бевосита ҳарбий ўч олиш учун мустабид диктатураларни ҳокимият тепасига чиқариб қўймоқда ва уларни қўллаб-қувватламоқда. Империализм меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлигини заифлаштиришга интилиб, миллий худбинлик, шовинизм ва ирқчиликни, бошқа халқларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига, уларнинг миллий маданий-тарихий меросига нафрат билан қарашни сунъий равишда қўзғатмоқда ва авж олдирмоқда.

Ҳозирги замон капитализмининг ғайриинсоний идеологияси одамларнинг маънавий дунёсига тобора кўпроқ зиён етказмоқда. Индивидуализмга ва бебошликка сиғиниш, ёвуз антикоммунизм, маданиятдан бойиш манбаи сифатида фойдаланиш ғоясизликни сингдиришга, жамиятни маънавий инқирозга олиб боради. Империализм терроризм тўлқинини келтириб чиқарди, бу тўлқин капиталистик жамиятни ўз гирдобига олди. Одамларнинг онгини ҳукмрон синф манфаатлари йўлида заҳарлаётган буржуа оммавий ахборот воситаларининг роли тобора фалокатли тус олмоқда.

**Капиталистик система ичидаги мамлакатларнинг ривожланишидаги нотекислик чуқурлашиб бормоқда.** Империалистлар ўртасидаги рақобатнинг АҚШ, Ғарбий Европа, Япониядан иборат учта етакчи маркази вужудга келди. Улар ўртасида мол сотиш бозорлари, капитални ишга солиш соҳалари, хом ашё манбалари учун, фан-техника тараққиётининг ҳал қилувчи соҳаларида устунликка эришиш учун рақобатчилик кураши кучайиб бормоқда. Аввало Тинч океан ҳавзасида ва Лотин Америкасида рақобатчиликнинг янги иқтисодий ва сиёсий марказлари вужудга келмоқда. Буржуа давлатлари ўртасидаги зиддиятлар кескинлашмоқда. АҚШ монополияларининг империячилик иштаҳалари ва ғаразли сиёсати, уларнинг ўз худбинлик мулоҳазаларига асосланиб, бошқа давлатларнинг, ҳатто ўзлари билан иттифоқдош давлатларнинг манфаатлари ва хавфсизлигини қурбон қилишга тайёрлиги дунёда тобора кенг миқёсда ғазаб ва ташвиш туғдирмоқда.

Империализм индустриал капитал мамлакатлари билан озодликка чиққан кўпчилик давлатлар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражаларидаги жуда катта ва ошиб бораётган тафовут учун, Ер юзида очлик, қашшоқлик, юқумли касалликларнинг жуда кенг зоналари сақланиб қолаётганлиги учун жавобгардир.

Тарихий ривожланишнинг бориши империализм позицияларини кучлироқ емиргани сайин унинг энг реакцион кучлари сиёсати халқларнинг манфаатларига душманлиги шу қадар ортмоқда. Империализм ижтимоий тараққиётга жуда қаттиқ қаршилик қилмоқда, тарихнинг боришини тўхтатиб қолишга, социализм позицияларини қўпоришга, жаҳоншумул миқёсда социал қасос олишга уринмоқда. Империалистик давлатлар ўзларининг иқтисодий, сиёсий ва идеологик стратегиясини мувофиқлаштириб олиб боришга интилмоқдалар, социализмга қарши, барча революцион, озодлик ҳаракатларига қарши курашнинг умумий фронтини вужудга келтиришга уринмоқдалар.

Империализм ҳозирги дунёнинг сиёсий реалликлари билан ҳисоблашишни хоҳламаяпти. У суверен халқларнинг хоҳиш-иродасини инкор этиб, уларни ўз ривожланиш йўлини танлаб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга интилмоқда, уларнинг хавфсизлигига таҳлика солмоқда. Дунёнинг турли районларида можаролар чиқаётганлигининг энг асосий сабаби мана шудир.

АҚШ империализми — халқаро реакциянинг таянчидир. Айни у биринчи галда уруш хавфини туғдирмоқда. У жаҳонга ҳукмронликни даъво қилиб, бутун-бутун қитъаларни қаллоблик билан ўзининг «ҳаётий манфаатлари» зоналари деб эълон қилмоқда. АҚШ ўтказаётган зўравонлик сиёсати, бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқли бўлмаган муносабатларни тиқиштириши, халққа қарши зулмкор режимларни қўллаб-қувватлаши, АҚШга ёқмайдиган мамлакатларни камситиши давлатлараро иқтисодий ва сиёсий муносабатларни издан чиқармоқда, уларнинг нормал ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Вьетнамга қарши қонли уруш, Кубанинг кўп йил мобайнида қамал қилиниши, фаластин халқининг қонуний ҳуқуқлари поймол этилиши, Ливандаги интервенция, ҳимоясиз Гренаданинг қурол кучи билан босиб олиниши, Никарагуага қарши агрессив ҳаракатлар — империализм тарихида абадий энг шармандали саҳифалар бўлиб қоладиган сон-саноқсиз ёвузликларнинг айримларидир, холос.

Империализм миқёслари жиҳатидан мислсиз ядровий ва бошқа қуроллар билан қуролланиш пойгасини авж олдирганлиги — унинг халқлар олдидаги энг катта жиноятидир. Бу пойга монополияларга мислсиз фойда келтирмоқда. Жуда катта ҳарбий харажатлар меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушмоқда. Қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи монополиялар, генералитет, давлат бюрократияси, идеология аппарати, ҳарбийлаштирилган фан ҳарбий-саноат комплексига қўшилиб, авантюризм ва агрессия сиёсатининг энг ашаддий жонкуярлари ва ташкилотчилари бўлиб қолди. Ажал қуролини ишлаб чиқарувчилар билан империалистик давлат ҳокимиятининг машъум иттифоқи — ашаддий реакциянинг таянчидир, уруш хавфининг доимий ва кучайиб борувчи манбаидир, капиталистик система сиёсий ва социал-маънавий асоссизлигининг яққол далилидир.

Ҳозирги замон капитализмининг ҳар қандай «турланишлари» ва найранглари унинг ривожланиш қонунларини бекор қилмайди ва бекор қила олмайди, меҳнат билан капитал ўртасидаги, монополиялар билан жамият ўртасидаги ўткир антагонизмни бартараф эта олмайди, тарихан ҳалокатга маҳкум этилган капиталистик системани ялпи инқироз ҳолатидан қутқара олмайди. Ривожланиш диалектикаси шундайки, капитализм ўз позицияларини мустаҳкамлаш мақсадида ишга соладиган воситаларнинг ўзи унинг ҳамма чуқур зиддиятларини муқаррар равишда кескинлаштиришга олиб боради. Империализм — чириб ва ўлиб бораётган капитализмдир, социалистик революциянинг арафасидир.

**Ишчилар синфи ҳозирги даврнинг асосий революцион синфи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.** У капитал дунёсида эксплуататорлик тузумини ағдариб ташлаш ва янги жамият қуриш учун курашувчи бош кучдир.

Ҳаёт марксизм-ленинизмнинг жамиятда ишчилар синфининг роли ошиши тўғрисидаги қоидасини тасдиқламоқда. Ишлаб чиқаришда фаннинг тобора кўпроқ қўлланилиши унинг сафларини ақлий меҳнат намояндалари билан тўлдирмоқда. Синфий жанглар давомида ишчилар синфи жипслашмоқда, ўзининг сиёсий партияларини, касаба союз ва бошқа ташкилотларини тузмоқда, капитализмга қарши иқтисодий, сиёсий ва идеологик кураш олиб бормоқда. Бу курашнинг миқёслари кенгаймоқда, формалари хилма-хил бўлиб бормоқда ва мазмуни бойимоқда. Пролетариатнинг туб манфаатлари ишчилар синфининг бирлигига, унинг барча отрядлари бирдам ҳаракатларига эришишни тобора қатъий зарурат қилиб қўймоқда.

Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларидаги ёш ва тез ўсиб бораётган ишчилар синфи олдида мураккаб вазифалар турибди. Ажнабий капитал ҳам, маҳаллий эксплуататорлар ҳам унга қарама-қарши турибдилар. Курашда унинг сиёсий етуклиги ва уюшқоқлиги ошмоқда.

**Халқаро коммунистик ҳаракат — ишчилар ҳаракатининг, жаҳон революцион жараёни барча кучларининг авангардидир.** Коммунистлар ишчилар синфининг энг яқин мақсадлари учун ҳам, унинг истиқбол мақсадлари, барча меҳнаткашларнинг манфаатлари, социал тараққиёт, тинчлик, қуролсизланиш ва ялпи хавфсизлик учун ҳам курашмоқдалар. Коммунистик ҳаракат ҳозирги замоннинг энг нуфузли ғоявий ва сиёсий кучи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Ишчилар синфининг революцион партиялари ижтимоий тараққиётнинг илмий назарияси — марксизм-ленинизмга амал қилмоқдалар, принципиал синфий сиёсат ўтказмоқдалар. Улар капитализмнинг социализм билан алмашуви тарихан муқаррарлиги ишончи билан, социалистик революция қайси формаларда — тинч ёки нотинч формаларда амалга оширилишидан қатъи назар, унинг объектив қонуниятларини равшан тушуниши билан, ҳар бир мамлакатнинг конкрет шароитларида социализм учун курашнинг умумий принципларидан фойдаланиш маҳорати билан ажралиб турадилар.

Революцион партияларнинг кучи шундаки, улар меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқлари ва ҳаётий муддаоларини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар, жамиятни кризис ҳолатидан олиб чиқиш йўлларини кўрсатадилар, эксплуататорлик тузуми ўрнини эгаллайдиган реал тузумни илгари сурадилар, ҳозирги замоннинг туб саволларига социал умидворлик руҳи билан суғорилган жавоблар қайтарадилар. Улар — ўз мамлакатлари миллий манфаатларининг ҳақиқий ифодачилари ва энг матонатли ҳимоячиларидир.

Империализмнинг сиёсий-идеологик аппарати коммунистларни камситиш ва таъқиб қилишни, ошкора антикоммунистик пропагандани синфий сиёсатга ва интернационал бирдамликка қарши ишчилар ҳаракати ичидаги буржуазия билан социал муросачилик ва шерикчилик учун интилаётган унсурларни қўллаб-қувватлаш билан қўшиб тобора маккорона ҳаракат қилишига қарамай, изчил синфий йўлдан бориш коммунистик партияларнинг обрў-эътиборини оширмоқда. Монополистик буржуазия, реакцион кучлар коммунистларга бу қадар қутуриб ҳужум қилаётганликларининг сабаби айни шундан иборатки, коммунистлар ижтимоий ривожланишда чуқур илдизларга эга бўлган, халқлар оммасининг энг зарур манфаатларини ифодаловчи ҳаракатнинг намояндаларидир.

**Носоциалистик дунёдаги оммавий демократик ҳаракатларнинг юксалиши** — замонамизнинг характерли хусусиятидир. Капиталистик мамлакатларда монополиялар билан аҳолининг ғоят кўпчилиги ўртасидаги қарама-қаршилик чуқурлашиб бормоқда. Монополияларнинг зўравонлигига, ҳукмрон синфларнинг реакцион сиёсатига қарши курашга зиёлилар, хизматчилар, фермерлар, шаҳар майда буржуазиясининг, майда миллатларнинг намояндалари, ёшлар ва студентлар тобора фаол қўшилмоқдалар. Турли сиёсий маслакдаги кишилар жамиятнинг ҳарбийлаштирилишига, агрессия ва уруш сиёсатига чек қўйишни, ирқий ва миллий камситишни, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини поймол этишни, ёш авлоднинг аҳволи ёмонлашишини, порахўрликни, монополияларнинг табиий ресурслардан фойдаланишга ва атроф-муҳитга ваҳшийларча муносабатини тугатишни талаб қилмоқдалар. Бу ҳаракатлар объектив равишда империализм реакцион доираларининг сиёсатига қарши қаратилган бўлиб, социал тараққиёт учун курашнинг умумий оқимига қўшилмоқда.

**Мустамлакачилик бўйинтуруғини улоқтириб ташлаган мамлакатларнинг ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, социал тараққиёт учун олиб бораётган антиимпериалистик кураши** жаҳон революцион жараёнининг таркибий қисмидир. Империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлганлиги, унинг вайроналари ўрнида ўнлаб мустақил давлатлар вужудга келганлиги миллий-озодлик революцияларининг дунёдаги кучлар нисбатига катта таъсир кўрсатган тарихий ғалабаси бўлди.

Мустақиллик йиллари мобайнида уларнинг кўплари хўжалик ва маданий қурилишда, миллий давлатчиликни мустаҳкамлашда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Шу мамлакатлар халқаро майдонда ўз ҳуқуқлари учун курашининг коллектив формалари таркиб топди. Бироқ, тажриба уларнинг сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва социал янгиланиш йўлини мустамлака ва ярим мустамлака ўтмишининг мероси, империализмнинг хатти-ҳаракатлари жиддий мушкуллаштиришини кўрсатди.

Янги мустамлакачилик сиёсатини ўтказаётган империализм ёш давлатлар курашиб қўлга киритган суверенитетни пучайтиришга, улар устидан назоратни сақлаб қолиш ва ҳатто кучайтиришга интилмоқда. Империализм бу давлатларни милитаристик гирдобга жалб этишга, улардан ўзининг агрессив ялпи стратегияси майдонлари сифатида фойдаланишга уринмоқда. Империалистлар шу мақсадларга эришиш йўлида ҳарбий тазйиқ ва иқтисодий зўравонлик методларидан фойдаланмоқдалар, ички реакцияни қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳатто аллақачон давлат мустақиллигига эришган мамлакатлар ҳам, масалан, Лотин Америкасидаги давлатлар ҳам АҚШ ва бошқа империалистик давлатларнинг монополиялари зўравонлигига қарши кескин кураш олиб боришга мажбур бўлмоқдалар.

Империализм озодликка чиққан мамлакатларнинг иқтисодий ва технологик қарамлигидан, жаҳон капиталистик хўжалигидаги тенг ҳуқуқли бўлмаган аҳволидан фойдаланиб, уларни шафқатсиз эксплуатация қилмоқда, кўп миллиардлаб ўлпон ундириб олиб, шу давлатлар экономикасини ҳолдан тойдирмоқда. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг индустриал ривожланган капиталистик давлатлардан жуда кўп қарз бўлиб қолганлиги уларнинг империализм, аввало Америка империализми томонидан эксплуатация қилинишининг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолди. Шу билан бирга мазкур мамлакатлар халқларининг империалистлар хатти-ҳаракатларига қаршилиги ҳам ўсмоқда. Улар янги мустамлакачиликка қарши, ўзларининг ички ишларига аралашишга қарши, ирқчилик ва апартеидга қарши сабот билан, одилона курашни давом эттирмоқдалар. Бу қаршилик халқларнинг озодлик, тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги ялпи антиимпериалистик кураши билан объектив равишда бирикиб кетмоқда.

Озодликка эришган бир қанча мамлакатлар танлаб олган нокапиталистик ривожланиш йўли, **социалистик йўналишни танлаш йўли** ижтимоий тараққиётнинг кенг истиқболларини очади. Уларнинг тажрибаси тасдиқлайдики, ҳозирги замон шароитида дунёдаги кучларнинг мавжуд нисбатида илгари эзилиб келган халқларнинг капитализмни рад қилиш, ўз келажагини эксплуататорларсиз меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб қуриш имкониятлари кенгайди. Бу — зўр тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир.

Ҳукмрон революцион-демократик партиялар ички ва ташқи реакциянинг қаршилигини бартараф этиб, империалистик монополияларнинг, қабила боёнларининг, феодаллар ва реакцион буржуазиянинг ҳукмронлигини тугатиш, экономикадаги давлат секторини мустаҳкамлаш, қишлоқдаги кооператив ҳаракатни рағбатлантириш, меҳнаткашлар оммасининг иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш йўлини ўтказмоқдалар. Бу мамлакатлар ўз мустақиллигини империалистларнинг қисувидан ҳимоя қилиб, социалистик давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтирмоқдалар. Улар танлаб олган йўл халқ оммасининг ҳақиқий манфаатлари ва орзу-умидларига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг адолатли ижтимоий тузумга интилишини ифодалайди, инсоният тараққиётининг бош йўналишига мос бўлиб тушади.

**Уруш ва тинчлик проблемаси — ҳозир инсоният олдида турган энг кескин проблемадир.** Империализм ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган иккита жаҳон урушининг айбдоридир. У учинчи жаҳон уруши хавфини солмоқда. Империализм инсоният даҳоси ютуқларини даҳшатли вайрон қилиш кучига эга бўлган қуролларни яратишга хизмат қилдирмоқда. Бутун-бутун халқларнинг тақдирини қурбон қилишга тайёр бўлган империалистик доираларнинг сиёсати бу қурол ишга солиниши мумкинлиги хавфини кучайтирмоқда. Пировард натижада бу нарса ялпи ҳарбий можарони келтириб чиқариши мумкин, бу можаро натижасида ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди, аммо жаҳон цивилизацияси ҳалок бўлиши мумкин.

Фан-техника революцияси самараларидан қай мақсадларда фойдаланилиши тўғрисидаги масала ҳозирги замон социал-сиёсий курашида энг асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Замонамиз фани ва техникаси Ер юзида неъматларнинг мўл-кўллигини таъминлаш, жамиятнинг равнақи учун, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун моддий шарт-шароитлар яратиш имконини беради. Аммо улар, инсон ақл-заковати ва қўлларининг мана шу ижоди — синфий худбинлик кучи билан, капиталистик дунёда ҳукмронлик қилувчи юқори табақанинг бойиши йўлида — инсоннинг ўзига қарши қаратилмоқда. Инсоният XXI аср бўсағасига мана шундай чидаб бўлмайдиган, даҳшатли зиддият билан етиб келди.

Фан ва техника ўз-ўзидан тинчликка хавф солмайди. Империализм ва унинг сиёсати — ҳозирги замоннинг энг реакцион милитаристик, агрессив кучлари сиёсати шундай хавф солади. Шу кучларни жиловлаш йўли билангина бу хавфни тугатиш мумкин.

Кескин зиддиятларга тўлиб-тошган дунёда, хавф солиб турган фалокат қаршисида бирдан-бир оқилона, бирдан-бир мақбул йўл бор, у ҳам бўлса — **турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш йўлидир.** Бу — шунчаки урушларсиз ҳолат эмас. Бу — ҳарбий куч эмас, балки яхши қўшничилик ва ҳамкорлик ҳукмрон бўлган, фан ва техника ютуқлари, маданият бойликлари барча халқларнинг манфаатлари йўлида кенг миқёсда баҳам кўриладиган халқаро тартибдир. Жуда катта ресурсларнинг ҳарбий эҳтиёжларга совурилишидан халос бўлиш меҳнат самараларини фақат бунёдкорлик мақсадларига сарфлаш имконини берган бўлур эди. Мустақил ривожланиш йўлига ўтган давлатлар ташқаридан қилинадиган ҳамлалардан муҳофаза этилган бўлур эди, бу эса уларнинг миллий юксалиш йўлидаги ҳаракатини енгиллаштирган бўлур эди. Инсониятнинг ялпи проблемаларини барча давлатларнинг коллектив куч-ғайратлари билан ҳал этиш учун ҳам қулай имкониятлар очилган бўлур эди. Тинч-тотув яшаш барча мамлакатларнинг, ҳамма халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Инсоният боши узра ҳали ҳеч қачон шу қадар даҳшатли хавф пайдо бўлган эмас. Бироқ, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш имкониятлари ҳам ҳали ҳеч қачон шу қадар реал бўлмаган эди. Халқлар ўз кучларини бирлаштириб, ядровий қирғин хавфини даф қилишлари мумкин ва лозим.

Тинчлик кучларининг ўсиб бораётган потенциали империализмнинг агрессив сиёсатига қарама-қарши турибди. Бу — социалистик давлатларнинг фаол, изчил тинчликсевар сиёсатидир, уларнинг ошиб бораётган иқтисодий ва мудофаа қудратидир. Бу — тинчликни сақлаб қолишдан, қуролланиш пойгасини тўхтатишдан ҳаётий манфаатдор бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпчилик давлатларнинг сиёсатидир. Бу — барча қитъалардаги жуда кенг халқ оммасининг урушга қарши ҳаракати бўлиб, у ижтимоий турмушнинг узоқ муддатли ва нуфузли омилига айланди. Кучларнинг реал нисбатини сергак ҳисобга олиш капиталистик давлатлардаги кўпгина давлат, сиёсат арбобларини ҳам қуролланиш пойгасини давом эттириш ва кенгайтириш хавфли эканини тушунишига олиб келмоқда.

КПСС шунга асосланиб иш тутадики, империализмнинг агрессив доиралари сиёсати тинчликка солаётган хавф нақадар катта бўлмасин, **жаҳон уруши тақдирий муқаррар эмас. Урушнинг олдини олиш, инсониятни фалокатдан сақлаб қолиш мумкин. Бу — социализмнинг, Ер юзидаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг тарихий бурчидир.**

Жаҳон тараққиётининг бутун жараёни ҳозирги даврнинг характери ва асосий мазмунининг марксча-ленинча анализи тўғрилигини тасдиқлайди. **Ҳозирги давр — капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш, жаҳондаги икки социал-сиёсий системанинг тарихий мусобақаси давридир, социалистик ва миллий-озодлик революциялари даври, мустамлакачиликнинг барбод бўлиш давридир, ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари — жаҳон социализми, ишчилар ва коммунистик ҳаракат, озодликка эришган давлатларнинг халқлари, оммавий демократик ҳаракатларнинг империализмга, унинг агрессия ва зулм сиёсатига қарши, демократия ва социал тараққиёт учун кураши давридир.**

Бу кучларнинг доимий ўсиши ва ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиши — халқларнинг тинч, эркин ва бахтиёр турмуш тўғрисидаги орзу-умидлари рўёбга чиқишининг гаровидир. Нақадар нотекис, мураккаб ва зиддиятли бўлмасин, инсониятнинг социализм ва коммунизм сари ҳаракати енгилмасдир.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

# КПССнинг СОЦИАЛИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА АСТА-СЕКИН КОММУНИЗМГА ЎТИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

## I. СССРНИНГ КОММУНИСТИК ИСТИҚБОЛИ ВА СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

Мамлакатимизда коммунизм қуриш — КПССнинг пировард мақсадидир. Социализм билан коммунизм ягона коммунистик формациянинг бирин-кетин келадиган икки изчил фазасидир. Улар ўртасида қатъий чегара йўқ: социализмнинг ривожланиши, унинг имкониятлари ва афзалликларининг тобора намоён бўлиши, унга хос бўлган умумкоммунистик асосларнинг мустаҳкамланиши жамиятнинг ҳақиқатан ҳам коммунизм сари ҳаракат қилаётганлигини билдиради.

**Коммунизм — ишлаб чиқариш воситалари ягона умумхалқ мулки бўлган, жамиятнинг барча аъзолари социал жиҳатдан батамом тенг синфсиз ижтимоий тузум бўлиб, бу тузумда одамларнинг ҳар томонлама камол топиши билан бирга ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам муттасил ривожланиб борадиган фан ва техника негизида ўсиб боради, ижтимоий бойликнинг барча манбалари тўлиб-тошиб боради ва «ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — эҳтиёжига яраша» деган буюк принцип амалга ошади. Коммунизм — эркин ва онгли меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган жамияти бўлиб, бу жамиятда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёжга, онгли заруратга айланади, ҳар бир кишининг қобилияти унинг халққа энг кўп фойда келтиришини кўзлаб ишга солинади.**

Коммунизмнинг моддий-техника базаси жамият ва шахснинг оқилона эҳтиёжларини тўла қондириш имкониятини яратиб берадиган ишлаб чиқарувчи кучларни вужудга келтиришни тақозо этади. Коммунизм шароитида бутун ишлаб чиқариш фаолияти юксак самарали техникавий воситалар ва технологияларни қўлланиш негизида амалга оширилади, инсон билан табиатнинг ўзаро уйғун алоқаси таъминланади.

Коммунистик формациянинг юқори фазасида меҳнат билан ишлаб чиқаришнинг бевосита ижтимоий характери тўла-тўкис қарор топади. Эски меҳнат тақсимоти қолдиқларининг ҳамда у билан боғлиқ бўлган муҳим социал тафовутларнинг узил-кесил бартараф этилиши натижасида социал бир хил бўлган жамиятни шакллантириш жараёни ниҳоясига етказилади.

Коммунизм халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш системасининг, социалистик демократиянинг жамиятни ташкил этишнинг олий формасига — коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга айланганлигини билдиради. Зарур социал-иқтисодий ва идеологик шарт-шароитлар етила борган, барча гражданлар бошқарувга жалб этила борган сайин, тегишлича халқаро шарт-шароит вужудга келганда социалистик давлат, Ленин башорат қилганидек, тобора кўп даражада «давлатдан давлатсизликка ўтиш формаси» бўлиб боради. Давлат органларининг фаолияти ўзининг сиёсий характерини йўқота бориб, алоҳида сиёсий тартибот сифатида давлатга бўлган эҳтиёж аста-секин йўқолади.

Жамият аъзоларининг юксак даражада онгли, ижтимоий фаоллиги, интизомли бўлиши ва шахсий интизомга бўйсуниши — коммунистик ҳаёт тарзининг бирдан-бир белгиси бўлиб, унда коммунистик турмушнинг умум эътироф этган ягона қоидаларига риоя қилиш ҳар бир кишининг ички эҳтиёжига ва одатига айланади.

Коммунизм — ҳар бир кишининг эркин камол топиши ҳамманинг эркин камол топишининг шарти бўлган ижтимоий тузумдир.

КПСС тўлиқ коммунизмнинг барча белгиларини олдиндан батафсил кўрсатиб беришни мақсад қилиб қўймайди. Коммунизм сари борилган, коммунистик қурилиш тажрибаси ортиб борган сайин янги жамиятнинг юқори фазаси ҳақидаги илмий тасаввурлар бойиб ва конкретлашиб боради.

Социализмнинг коммунизмга ўсиб ўтишини жамият ривожининг объектив қонунлари белгилаб берадики, бу қонунлар билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Жамиятнинг моддий ва маънавий етуклик даражасини ҳисобга олмасдан туриб, олдинга чопиб кетиш, коммунистик принципларни жорий этиш йўлидаги ҳар қандай уриниш, тажриба кўрсатиб турганидек, муваффақиятсизликка маҳкум бўлиб, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан зиён келтириши мумкин.

Айни чоғда КПСС шунга асосланадики, етилган туб ўзгартишларни амалга оширишда, янги вазифаларни ҳал этишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди. Партия 70-йиллар — 80-йиллар бошларида мамлакатнинг ривожланишида қўлга киритилган шубҳасиз ютуқлар билан бир қаторда муайян ноқулай тенденциялар ва қийинчиликлар ҳам бўлганлигини ҳисобга олади. Бу тенденциялар ва қийинчиликлар кўп жиҳатдан шу билан боғлиқ бўлдики, иқтисодий вазиятнинг ўзгарганлигига, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгаришлар қилиш зарурлигига ўз вақтида ва лозим даражада баҳо берилмади, уларни амалга оширишда тегишлича қатъият кўрсатилмади. Бу ҳол социалистик тузумнинг потенциал имкониятлари ва афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишга халал берди, олға томон ҳаракатни сусайтирди.

КПСС ҳозирги ички ва халқаро шароитда совет жамиятининг ҳар тарафлама тараққий этишини, унинг коммунизм сари олға ҳаракатини **мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш** орқали таъминлаш мумкин ва лозим деб ҳисоблайди. Бу — партиянинг совет жамияти ҳаётининг ҳамма томонларини сифат жиҳатидан ўзгартишга: унинг моддий-техника базасини фан-техника революцияси ютуқлари негизида тубдан янгилашга; ижтимоий муносабатларни ва биринчи галда иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга: меҳнатнинг мазмуни ва характерида, кишилар ҳаётининг моддий ва маънавий шарт-шароитларида чуқур ўзгаришлар қилишга; сиёсий, ижтимоий ва идеологик тартиботлар бутун системасини активлаштиришга қаратилган стратегик йўлидир.

Партия белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни **инсон омили ролининг оширилиши билан** боғлайди. Социалистик жамият ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг янги-янги йўлларини топмасдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди. Тарихий мақсадлар кўлами қанчалик кенг бўлса, миллионларнинг уларга эришишида хўжайинларча манфаатдорлик, масъулият билан, онглилик билан фаол иштирок этиши шунчалик муҳимдир.

Совет жамияти социал-иқтисодий ривожланишни тезлаштириш негизида янги марраларга чиқиб олиши лозим бўлади, бунинг маъноси:

(Давоми 3-бетда)

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

**(Давоми. Боши 1, 2, 3 ва 4-бетларда).**

Партия инсон тарбияси унинг халқ манфаатлари йўлидаги бунёдкорлик меҳнатида, ижтимоий ҳаётда, социал-иқтисодий ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда амалий иштирокидан ажралмасдир, деган хулосага таянади. Воқеликдан, унинг реал проблемаларидан ажралиб қолиш ғоявий-тарбиявий ишни мавҳум маърифатчиликка, қуруқ сафсатабозликка айлантириб қўяди, уни коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларидан четга буриб юборади. Идеологик фаолият ғоявий-назарий мазмунининг теранлиги ва кенг ахборотни ўз ичига олганлиги билан ажралиб туриши, ички ва халқаро ҳаёт реаллигини, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини тўла ва аниқ ҳисобга олиши, одамларга яқинроқ, ҳаққоний ва тушунарли бўлиши лозим.

Сўз ва иш бирлиги — бутун партия ва давлат фаолиятининг энг муҳим принципи бўлиб, сиёсий-тарбиявий ишга татбиқан ҳам муҳим ва зарур талаблардан ҳисобланади. Унда фаол иштирок этиш барча раҳбар кадрларнинг вазифаси, ҳар бир коммунистнинг бурчидир.

Партия қуйидаги вазифаларни илгари суради:

## I. Ғоявий-тарбиявий иш соҳасида

**Илмий дунёқарашни шакллантириш.** Социализм совет жамиятининг маънавий ҳаётида илмий дунёқараш ҳукмронлигини таъминлади. Унинг негизини фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг яхлит ва мукаммал системаси бўлмиш марксизм-ленинизм ташкил этади. Марксча-ленинча назарияни совет жамияти ҳаётидаги янги ҳодисаларни ўрганиш ва умумлаштириш, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг, жаҳон коммунистик, ишчилар, миллий-озодлик ва демократик ҳаракатнинг тажрибасини ҳисобга олиш, табиий ва ижтимоий фанларнинг ютуқларини таҳлил этиш негизида янада ижодий ривожлантиришни партия ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

КПСС барча совет кишилари марксча-ленинча таълимотни чуқур эгаллаб олишлари тўғрисида, ўзларининг сиёсий маданиятларини оширишлари, партиянинг сиёсатини ишлаб чиқишда онгли иштирок этишлари ва уни фаоллик билан ҳаётга татбиқ қилишлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қила боради.

**Меҳнат тарбияси.** Партия ҳар бир совет кишисида меҳнатга, хоҳ у ақлий ёки жисмоний бўлсин, чуқур меҳр-муҳаббатни ва умум манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга тайёрликни шакллантиришни тарбиявий ишнинг марказига қўяди. Меҳнат — жамият моддий ва маънавий бойлигининг асосий манбаи, кишининг социал обрў-эътиборини баҳолайдиган асосий мезон, унинг муқаддас бурчи, шахсни коммунистик руҳда тарбиялашнинг негизидир. Партия бундан буён ҳам ҳалол, серунум меҳнатнинг қадр-қимматини ҳар томонлама ошириш тўғрисида, ишда ташаббускорлик ва ижодкорликни ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилаверади.

**Коммунистик ахлоқни қарор топтириш.** Коммунизм сари аста-секин олға бориш шароитида революцион кураш мақсадларига, коммунизм идеалларига садоқатга асосланган энг инсонпарвар, адолатли ва олижаноб коммунистик ахлоқнинг ижодий потенциали тобора тўлароқ намоён бўлади. Бизнинг ахлоқимиз оддий, умуминсоний маънавий бойликларни ҳам, кишиларнинг ахлоқий нормалари ва улар ўртасида эксплуатацияга қарши, озодлик ва социал тенглик учун, бахт-саодат ва тинчлик учун кўп асрлик кураш жараёнида халқ оммаси яратган муносабатларни ҳам ўз ичига олади.

КПСС қуйидаги коммунистик ахлоқнинг қарор топиши учун ҳаракат қилади:

— **коллективчилик ахлоқи.** Унинг асосий принципи: «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган ғоядан иборатдир. У худбинлик, ўзини ва ўз манфаатинигина кўзлашни рад этади, умумхалқ, коллектив ва шахсий манфаатларни ўзида уйғунлаштиради;

— **инсонпарварлик ахлоқи.** У меҳнаткаш инсонни улуғлайди, унга чуқур ҳурмат билан суғорилган бўлиб, инсоннинг қадр-қимматига нисбатан хуружларга муросасиздир. У кишилар ўртасида чинакам инсоний муносабатларни — ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларини, хайрихоҳлик, ҳалоллик, шахсий ва ижтимоий ҳаётда софдиллик ва камтаринликни қарор топтиради;

— **актив, фаол ахлоқ.** У инсонни янги меҳнат ва ижодий зафарларга, коллектив ва бутун мамлакат ҳаётида манфаатдорлик билан иштирок этишга, социалистик турмуш тарзига зид бўлган барча нарсаларга фаол қарши чиқишга, коммунистик идеаллар учун қатъият билан курашишга ундайди.

**Ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш.** Партия совет кишисида Октябрь Ватанига, ўзи туғилиб ўсган заминга меҳр-муҳаббат, жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тарихий ғалабалари учун фахрланиш туйғулари пролетар, социалистик интернационализм, қардош мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан, империализмга қарши, социал тараққиёт ва тинчлик учун кураш олиб бораётган барча кишилар билан синфий бирдамлик туйғулари билан уйғун намоён бўлиши тўғрисида бундан буён ҳам тинмай иш олиб бораверади.

КПСС ҳар бир совет кишисига СССРдаги барча миллатлар ва элатларни бирлаштирувчи дўстлик ва қардошлик туйғуси, миллатлараро юксак алоқа маданияти сингдирилишига, миллатчилик ва шовинизм, миллий маҳдудлик ва миллий худбинлик кўринишларига, турмушни ва инсонни коммунистик янгилашга ҳалақит бераётган урф-одатлар ва феъл-атворларга нисбатан муросасизлик ҳис-туйғулари сингдирилишига қатъият билан эришади.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга, бунинг учун ўзининг бутун куч-ғайратини, агар лозим бўлса, ҳаётини ҳам бағишлашга тайёрликни шакллантириш партия ғоявий-тарбиявий ишининг муҳим вазифасидир.

**Атеистик тарбия.** Партия виждон эркинлигининг Конституцияда белгиланган гарантияларига оғишмай риоя қилинишини ёқлаб, диндан жамият ва шахс манфаатларига зарар етказадиган ҳолда фойдаланишга уринишларни қоралайди. Кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, уларга таълим бериш, янги совет расм-русмларини яратиш ва кенг ёйиш — диний хурофотларга барҳам беришнинг тўғри йўлидир.

**Ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига қарши,** кишилар онгида ва хулқ-атворида сақланиб келаётган ўтмиш сарқитлари билан, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги амалий ишларда рўй бераётган камчиликлар билан, етилган проблемаларни кечикиб ҳал этиш билан боғлиқ **барча салбий ҳодисаларга қарши кураш** коммунистик тарбия соҳасидаги ишнинг муҳим таркибий қисмидир. Партия меҳнат интизомининг бузилишига, ўғирлик ва порахўрликка, чайқовчилик ва текинхўрликка, ичкиликбозлик ва безориликка, хусусий мулкчилик психологияси ва таъмагирликка, лаганбардорлик ва хушомадгўйликка изчил ва қатъият билан барҳам беришга биринчи даражали эътибор беради. Бунинг учун жамоатчилик фикри обрўсидан ҳам, қонун кучидан ҳам тўла-тўкис фойдаланиш лозим. Ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги, гражданлик бурчини адо этишдаги ибратли ишлар жуда катта тарбиявий аҳамият касб этади.

**Буржуа идеологиясига қарши кураш.** Жаҳон майдонида икки дунёқараш ўртасидаги ғоят кескин кураш икки система — социализм билан капитализмнинг бир-бирига қарама-қаршилигини акс эттиради. КПСС халқларга реал социализм тўғрисидаги, Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни етказишни, совет турмуш тарзини актив пропаганда қилишни, империализмнинг халққа қарши, ғайри инсоний характерини, унинг эксплуататорлик моҳиятини ҳужумкорлик билан асосли равишда очиб беришни ўзининг вазифаси деб ҳисоблайди. У совет кишиларида юксак сиёсий онглиликни, ижтимоий ҳодисаларни аниқ синфий нуқтаи назардан баҳолай билиш, социалистик жамият идеаллари ва маънавий бойликларини ҳимоя қила билиш қобилиятини тарбиялайди.

Жамият ҳаётида **оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг** роли кучаймоқда. КПСС улар ички ва халқаро ҳаётни, иқтисодий ва социал ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиб боришларига, барча янги, илғор нарсаларни актив қўллаб-қувватлашларига, кишиларни тўлқинлантираётган долзарб проблемаларни кўтариб чиқишларига ва уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатишларига эриша боради. Матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш ўз чиқишларининг сиёсий жиҳатдан аниқ-равшанлиги ва муайян мақсадга қаратилганлиги, мазмунан бойлиги, оперативлиги, ахборотга бойлиги, жозибадорлиги ва соддалиги билан кишиларни ишонтиришга даъват этилгандир. Партия бундан буён ҳам матбуотни, барча оммавий ахборот ва пропаганда воситаларини фаол қўллаб-қувватлайверади ва уларга ёрдам бераверади.

Телевидениени ривожлантиришга, аҳолининг радио ва телепрограммалар билан қамраб олинишини ҳар томонлама кенгайтиришга, эшиттиришлар ва кўрсатувларнинг мазмундорлигини, ғоявий-бадиий савияси ва жозибадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилади.

Оммавий-сиёсий ва пропаганда ишида қуруқ сафсатабозлик, расмиятчилик, ибтидоийлик кўринишларини қатъият билан бартараф этиш лозим. Унинг барча форма ва воситалари партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ишининг кенг ошкоралигини, одамлар билан муносабатларнинг бевоситалиги ва очиқ-ойдинлигини таъминлаган ҳолда омманинг ижодий куч-ғайратини мамлакат олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар этишга, ижтимоий фикрни тўғри шакллантиришга ва унинг амалий ишларга таъсирини оширишга ёрдам бериши керак. КПСС идеология ишининг моддий базасини мустаҳкамлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилади.

## 2. Халқ маорифи соҳасида

Партия ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнатга қобилиятли, халқ хўжалигида, ижтимоий ва давлат ҳаётининг турли соҳаларида, фан ва маданият жабҳаларида актив фаолият кўрсатишга қодир онгли, билимдон кишиларни тарбиялаш ва тайёрлаш йўлини изчил ўтказмоқда. СССРда вужудга келган чинакам халқ мактаби барча гражданлар учун билимлар сари йўл очиб берди, тарихан қисқа муддат ичида ялпи саводсизликни тугатиш ва умумий ўрта таълимга ўтиш имконини берди.

**КПСС социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш эҳтиёжларидан, коммунистик қурилиш истиқболларидан, фан ва техника тараққиёти олға сураётган талаблардан келиб чиққан ҳолда халқ маорифи системасини такомиллаштиришни давом эттиради.** Мамлакатда амалга оширилаётган умумий таълим ва ҳунар мактаби ислоҳоти ягона меҳнат политехника мактаби тўғрисидаги ленинча принципларни ижодий ривожлантиришга асосланган бўлиб, ёшларга таълим ва тарбия бериш савиясини янада юқори поғонага кўтаришга; уларни мустақил меҳнат жараёнига тайёрлашни яхшилаш, аста-секин умумий профессионал таълимга ўтишни амалга оширишга қаратилгандир. Мактаб ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, катталарга, ота-оналар ва ўқитувчиларга ҳурмат туйғусини сингдиришга, уларни ўқиш ва меҳнат сифати учун, ўз хулқ-атвори учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқарувини ривожлантиришга даъват этилгандир. Белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ҳунар ва умумий таълим мактабларининг янада ривожланиши ва яқинлашуви, келгусида эса уларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши рўй беради.

Фан-техника ва социал тараққиёт талабларига мувофиқ равишда ўрта махсус ва олий таълим системаси янада ривожлантирилади. У ишлаб чиқаришнинг, фан ва маданиятнинг эҳтиёжларига сезгирлик билан ва ўз вақтида жавоб бериши, халқ хўжалигининг юксак профессионал тайёргарликни, ғоявий-сиёсий етукликни, ташкилотчилик ва бошқариш фаолияти кўникмаларини ўзида уйғунлаштирган мутахассисларга бўлган талабини қондириши лозим. Партия малака ошириш системасини ривожлантиришга катта эътибор беради, бу система сиртқи ва кечки таълим билан биргаликда барча меҳнаткашларга билим олишни давом эттириш, билимларини тўхтовсиз бойитиш ва янгилаш, умумий маданияти ва профессионал савиясини узлуксиз ўстириш учун қулай имкониятлар яратади.

Партия педагог кадрлар тўғрисида, бутун маориф системасининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилади.

## 3. Фан соҳасида

Фан ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришда ва ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришда, янги техника ва технологиянинг принципиал жиҳатдан янги хилларини яратишда, меҳнат унумдорлигини оширишда, ер ости бойликларини, океан, космосни ўзлаштиришда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштиришда тобора катта роль ўйнайди.

**Партиянинг фан соҳасидаги сиёсати билимнинг барча соҳаларини жадал равнақ топтириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, кадрларни, моддий ва молиявий ресурсларни мўлжалланаётган иқтисодий ва социал мақсадларга эришишни, жамиятнинг маънавий ривожланишини жадаллаштириши, мамлакатнинг ишончли мудофаа қудратини таъминлаши лозим бўлган энг истиқболли йўналишларга жамлашга қаратилгандир.**

Диалектик-материалистик методология табиий-илмий ва социал билимнинг принципиал, синалган негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Уни бундан буён ҳам ижодий ривожлантириш, тадқиқотчилик ишида оқилона қўлланиш керак.

Совет фани фан-техника тараққиётининг муҳим йўналишлари бўйича етакчи позицияларни эгаллашга, перспектив ҳамда жорий ишлаб чиқариш ва социал-иқтисодий проблемаларнинг самарали ва долзарб ечимларини топишга даъват этилгандир. Изланишлар, фундаментал тадқиқотларни илдамроқ ривожлантиришни таъминлаш, илмий ғояларнинг халқ хўжалигида ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида тезроқ моддий ифодасини топишига эришиш муҳимдир. Фан билан ишлаб чиқариш интеграциясининг, фан-техника тараққиётини бошқаришнинг ташкилий-хўжалик формалари мунтазам такомиллаштирила бориши, актуал амалий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ечимлари кенгайтирилиши, уларнинг самарадорлиги оширила бориши лозим. Академия, олий ўқув юрти ва тармоқ фанларининг ўзаро ҳамкорлигини изчиллик билан мустаҳкамлаш керак.

Жамиятшуносларнинг диққат-эътибори жаҳон тараққиёти, СССРда, бошқа социалистик мамлакатларда янги жамиятни барпо этиш тажрибасини, социализм шароитида ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, моддий ва маънавий жабҳалар диалектикасини, коммунистик формациянинг қарор топиш қонуниятларини, унинг олий босқич сари тадрижий ҳаракат қилиш йўллари ва воситаларини ўрганишга ва ҳар томонлама таҳлил қилишга қаратилиши лозим. Социалистик жамиятнинг объектив зиддиятларини илмий таҳлил қилиш, уларни ҳал этиш юзасидан асосли тавсиялар, ишончли иқтисодий ва социал прогнозлар ишлаб чиқиш — тараққиётнинг ҳозирги босқичида ижтимоий фанларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Коммунистик, ишчилар, миллий-озодлик ҳаракатларида, капиталистик жамиятда юз бераётган жараёнлар чуқур ўрганилишга муҳтождир. Жаҳон тараққиётининг бориши инсоният олдига жуда кенг кўламдаги кўплаб масалаларни қўймоқда. Илмий тафаккур ана шу масалаларга тўғри жавоб топиб бериши керак. Буржуа ва реформистик идеологияга қарши, ревизионизм ва догматизмга қарши кураш ижтимоий фаннинг муҳим вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Партия фанда дадил изланишни, ғоялар ва йўналишлар мусобақасини, самарали мунозаралар ва муҳокамаларни қўллаб-қувватлайди. Схоластик мулоҳазалар ҳам, дадил назарий умумлашмалардан ўзини олиб қочган ҳолда фактларни пассив қайд этиб қўя қолиш, коньюнктурачилик, реалликдан ажралганлик ҳам фанга ёт кўринишлардир. Ҳозирги замон проблемаларининг мураккаб, комплекс характери ижтимоий, табиий ва техника фанларининг интеграциясини чуқурлаштиришни тақозо қилади. Фанни ташкил этишнинг актуал проблемаларни фанлараро тадқиқ қилиш, илмий кадрларнинг зарур ҳаракатчанлигини, илмий муассасалар, тадқиқотлар ва ечимлар структурасининг ихчамлигини таъминлайдиган формаларни янада кенг ривожлантириш лозим. Иқтисодий ва социал ривожланиш планларини тузиш ва амалга оширишда фаннинг бундай формалари ролини ошириш керак. Фанга доимий равишда янги кучларнинг, шу жумладан ишлаб чиқариш жабҳаларидан янги кучларнинг келиб туриши, олимларнинг ижодий имкониятларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг меҳнатини назарий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқишга қўшган реал ҳиссасига мувофиқ равишда рағбатлантириб бориш — фан тараққиётининг муҳим шартларидан биридир.

## 4. Маданий қурилиш, адабиёт ва санъат соҳасида

Халқаро миқёсда эътироф қилинган чинакам халқчил кўпмиллатли совет маданиятининг барпо этилганлиги — тузумимизнинг тарихий ғалабасидир. Унинг қудратли таъсир манбалари ҳаёт ҳақиқатига, социализм ва коммунизм идеалларига содиқлигида, чуқур инсонпарварлиги ва оптимистик характерида, халқ билан алоқасининг мустаҳкамлигидадир.

**КПСС меҳнаткашлар оммасининг маънавий ва моддий маданият бойликларини тўлароқ ва чуқурроқ ўзлаштиришга, уларни бадиий ижодкорликка активроқ жалб этишга катта эътибор беради.** Партия маданий қурилишнинг ленинча принципларига изчил амал қилган ҳолда меҳнаткашларни, ёш авлодни Ватан ва жаҳон бадиий маданиятининг энг яхши намуналари мисолида эстетик жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Эстетик завқланиш меҳнат илҳомини янада жўш урдиради, инсонни улуғлайди ва унинг турмушини безайди.

Маданият жабҳаси аҳоли турли категорияларининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириши, халқнинг бадиий ҳаваскорлик ижоди учун зарур имкониятларни таъминлаши, қобилиятларни ривожлантириши, социалистик турмуш тарзини бойитиши, соғлом эҳтиёжлар ва юксак эстетик дидни шакллантириши лозим. Партия маданий-маърифий ишларнинг мазмуни ва методларини муттасил такомиллаштириб боришни, унинг моддий базасини мустаҳкамлашни, қишлоқда ва янги ўзлаштирилаётган районларда маданий қурилишни жадаллаштиришни ана шу вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг зарур шарти деб ҳисоблайди.

**Партия адабиёт ва санъатнинг ролини оширишга ҳар томонлама ёрдам кўрсатаверади.** Адабиёт ва санъат халқ манфаатларига, коммунизм ишига хизмат қилиши, миллионлаб кишилар учун қувонч ва илҳом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаши, уларнинг ғоявий жиҳатдан баркамол бўлишига ва маънавий жиҳатдан тарбияланишига актив ёрдам бериши зарур.

Халқ ҳаёти билан алоқани мустаҳкамлаш, социалистик воқеликни ҳаққоний ва юксак бадиий акс эттириш, янги, илғор нарсаларни жўшқинлик билан ёрқин очиб бериш ва жамиятнинг олға қараб ҳаракат қилишига ҳалақит бераётган барча нарсаларни эҳтирос билан фош қилиш — адабиёт ва санъатни ривожлантиришдаги бош йўналишдир.

Социалистик реализм санъати халқчиллик ва партиявийлик принципларига асослангандир. У ҳаётни ҳаққоний бадиий акс эттиришдаги дадил новаторликни Ватан ва жаҳон маданиятининг барча илғор анъаналаридан фойдаланиш ва бу анъаналарни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиб боради. Адабиёт ва санъат арбоблари олдида чинакам эркин ижод қилиш, ўз маҳоратларини ошириш, турли хил реалистик формалар, услуб ва жанрларни янада ривожлантириш учун кенг уфқлар очиб қўйилган. Халқнинг маданий савияси ўса борган сари санъатнинг жамият ҳаётига, унинг маънавий психологик муҳитига таъсири кучая боради. Бу маданият арбобларининг ижоднинг ғоявий йўналиши, асарларининг бадиий таъсир кучини ошириш учун масъулиятини кучайтиради.

КПСС истеъдод эгаларини авайлаб асрайди, бадиий изланишга ҳурмат билан муносабатда бўлади. Айни пайтда у ижодий союзларга, жамоатчилик фикрига, марксча-ленинча бадиий танқидга таянган ҳолда ғоясизликка ва дунёқарашдаги бефарқликка, эстетик жиҳатдан ғўрликка, даққиликка қарши ҳамиша курашиб келди ва бундан кейин ҳам курашаверади.

Совет маданияти халқларнинг ўзаро бир-бирини тушунишига ва яқинлашувига ёрдам беради, империализмга, реакцияга ва урушга қарши курашда фаол иштирок этади. У социалистик жамият маънавий ҳаётининг ғоявий бойлиги ва кўп қирралилигини, унинг реал гуманизмини ўзида мужассамлаштирган ҳолда жаҳон маданиятини бойитмоқда, ўзини инсоният маънавий тараққиётининг қудратли омили сифатида, келгуси — коммунизм маданиятининг тимсоли сифатида тобора тўлароқ намоён этмоқда.

### УЧИНЧИ ҚИСМ

# КПССнинг ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ, ТИНЧЛИК ВА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПССнинг халқаро сиёсати социалистик жамиятнинг инсонпарварлик табиатидан чиқиб келади. Бу жамият эксплуатация ва зулмдан ҳалос бўлган, урушлар чиқишидан манфаатдор синфлар ва социал группалардан холи жамиятдир. КПССнинг халқаро сиёсати партиянинг мамлакат ичкарисидаги туб, стратегик вазифалари билан чамбарчас боғланган бўлиб, совет халқининг бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланиш, барча халқлар билан тинчликда яшашдан иборат якдил муддаосини ифодалайди.

**КПСС халқаро сиёсатининг бош мақсадлари ва йўналишлари:**

— СССРда социалистик жамиятни такомиллаштириш ва коммунизм сари силжиш учун қулай ташқи шароитларни таъминлашдан; жаҳон уруши хавфини тугатишдан, ялпи хавфсизликка ва қуролсизланишга эришишдан;

— СССРнинг қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигини муттасил кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлаш ва тараққий эттиришга ҳар томонлама кўмаклашишдан;

— озодликка эришган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли, дўстона муносабатларни ривожлантиришдан;

— СССРнинг капиталистик давлатлар билан муносабатларини тинч-тотув яшаш, амалий, ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида давом эттириш ва ривожлантиришдан;

— Коммунистик ва революцион-демократик партиялар билан, халқаро ишчилар ҳаракати билан, халқларнинг миллий-озодлик кураши билан интернационал бирдамликдан иборат.

КПССнинг ташқи сиёсат проблемаларига ёндашуви совет халқининг манфаатларини қатъий ҳимоя қилишни, империализмнинг агрессив сиёсатига қатъий қаршилик қилишни мулоқотга, халқаро масалаларни музокаралар йўли билан амалий ҳал этишга тайёрлик билан уйғунлаштиришга асосланади.

Партия ишлаб чиққан ва Совет давлати изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсат йўли мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш билан бирга қўшилиб, совет халқининг, Ер юзидаги кўпчилик аҳолининг XX асрда энг узоқ давр мобайнидаги тинч турмушини таъминлади. КПСС совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнати тинч шароитларини сақлаб қолиш учун, халқаро муносабатларни соғломлаштириш учун, дунёни ўз гирдобига олган қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, халқлар боши узра пайдо бўлган ядро уруши хавфини даф этиш учун бундан буён ҳам ўзига боғлиқ ҳамма ишларни қилаверади.

Ҳозирги ва келажак авлодларнинг ҳаёти йўлида тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашдан, агрессия ва милитаризм кучларини жиловлашдан ҳам юксакроқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ. **Урушларсиз, қурол-ярoғсиз дунё социализмнинг олий мақсадидир.**

## I. СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

КПСС Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият беради.

**Партия СССРнинг жаҳон социалистик системаси барча давлатлари билан мустаҳкам ўртоқларча муносабатларига ва ҳар томонлама ҳамкорлигига интилмоқда.** У социализм мамлакатларининг жипслиги шу мамлакатлардан ҳар бирининг манфаатларига ва уларнинг муштарак манфаатларига мос бўлиб тушишига, тинчлик ишига, социалистик идеалларнинг тантанасига хизмат қилишига асосланади.

КПСС Совет Иттифоқининг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилади.

Ўз мамлакатларини идора қилувчи коммунистик ва ишчи партиялар — улар ҳар томонлама ҳамкорлигининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Қардош мамлакатлар коммунистларининг жипслигини мустаҳкамлаш, жамиятга раҳбарлик практикасини ўзаро бойитиш мақсадида КПСС партияларнинг Марказий Комитетларидан тортиб бошланғич партия ташкилотларигача уларнинг ҳамма бўғинларини қамраб оладиган партиялараро алоқаларни кенгайтиришга бундан буён ҳам кўмаклашаверади; ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосда фикр ва тажриба алмашишга кўмаклашаверади.

КПСС Совет Иттифоқи билан социализм мамлакатларининг давлатлараро муносабатларини мустаҳкамлаш, бу муносабатларни шартнома тарзида мустаҳкамлаб қўйиш, қонун чиқарувчи органлар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, сиёсий ҳамкорликнинг ҳамма формаларини янада активлаштириш йўлини давом эттираверади.

Совет коммунистлари қардош мамлакатлардан ҳар бирининг аҳволи ва манфаатларини, ҳамдўстликнинг муштарак манфаатларини эътиборга олиб, бу мамлакатларнинг халқаро майдонда янада самарали ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишлари учун интилаверадилар.

Империалистик НАТО ҳарбий блоки ҳозирча мавжуд бўлган шароитларда партия империализмнинг агрессив муддаоларига қарши коллектив мудофаа қилишнинг, мустаҳкам тинчлик ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш учун биргаликда курашишнинг қуроли бўлмиш Варшава Шартномаси ташкилоти фаолиятини такомиллаштиришга ҳар томонлама кўмаклашиш зарур, деб ҳисоблайди.

Иқтисодий ўзаро муносабатлар соҳасида КПСС социализм мамлакатларини жипслаштиришнинг моддий асоси бўлмиш социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштиришга интилаверади. У тарихий аҳамиятга молик вазифа — фан ва техниканинг олдинги марраларига чиқиб олиш вазифасини биргаликда ҳал этиш учун, ўз халқларининг фаровонлигини янада ўстириш, уларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун қардош мамлакатларнинг куч-ғайратларини ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг энг муҳим йўналишларида изчиллик билан бирлаштириш, айниқса, муҳим деб ҳисоблайди.

Партия шунга асосланиб иш тутадики, интеграция ҳамдўстлик мамлакатларида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ва социалистик турмуш тарзининг тараққиётига, уларнинг иқтисодий ривожланиш даражаларини бараварлаштириш жараёнини тезлаштиришга, социализмнинг дунёдаги позицияларини мустаҳкамлашга тобора кўпроқ даражада кўмаклашиши лозим.

КПСС қардош партияларнинг иқтисодий сиёсатни келишиб олиш, хўжалик соҳасидаги ўзаро алоқа механизмини такомиллаштириш, унинг янги формаларини қидириш, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялашни чуқурлаштириш, планларни мувофиқлаштириб туриш, илғор тажрибани баҳам кўриш, бирлашмалар ва корхоналар ўртасида бевосита алоқаларни йўлга қўйиш юзасидан биргаликдаги ишда актив қатнашаверади. У Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг ролини оширишга, икки томонлама ва кўп томонлама программалар асосида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашаверади.

Партия социалистик ва капиталистик давлатларнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлигини табиий ва фойдали деб ҳисоблаб, шу билан бирга социалистик интеграцияни ривожлантириш ҳамдўстликнинг империализм душманлик ҳаракатлари, капитализмга хос бўлган иқтисодий кризислар ва бошқа салбий жараёнларнинг таъсирига нисбатан техникавий-иқтисодий мустаҳкамлигини кучайтириши лозимлигига асосланиб иш тутади.

КПСС идеология соҳасида қардош партияларнинг социалистик қурилиш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш, марксизм-ленинизм назариясини ривожлантириб, унинг ижодий характерини чуқурлаштириш, унинг революцион моҳиятини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш соҳасидаги куч-ғайратларни бирлаштиришга интилади. Коллектив фикрни активлаштириш, маънавий бойликларни баҳам кўришни, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни доимо кенгайтириш социалистик мамлакатлар ўртасидаги дўстликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Партия қардош халқларнинг бирлиги, уларнинг тарихий тақдирлари муштараклиги тушунчасини мустаҳкамлашга бундан буён ҳам кўмаклашаверади. Социализм тўғрисидаги ҳақиқатни оммалаштириш, империалистик сиёсат ва пропагандани фош этиш, антикоммунизмга ва антисоветизмга зарба бериш, догматик ва ревизионистик қарашларга қарши курашиш — мана шу вазифаларнинг ҳаммаси коммунистлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилган тақдирдагина муваффақиятлироқ ҳал этилади.

**КПСС бошқа қардош партиялар билан биргаликда социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини мустаҳкамлашни, унинг қудрати ва таъсирини оширишни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди.** Социализмнинг капитализм билан мусобақаси қандай бориши, жаҳон цивилизациясининг келажаги кўп жиҳатдан ҳар бир мамлакатнинг мустаҳкамлигига, бунёдкорлик фаолияти муваффақиятларига, уларнинг ҳаракатлари собитқадамлилигига ва бир-бирига мослигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Жаҳон социализм системасини ривожлантириш тажрибаси социалистик тузум жамиятнинг дадил тараққиёти учун ҳам, шунингдек, мамлакатлар ўртасидаги уйғун ўзаро муносабатлар учун ҳам ҳамма имкониятларни яратишидан дарак беради. Аммо униси ҳам, буниси ҳам ўз-ўзидан рўй бермайди.

Мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиш даражалари, тарихий ва маданий анъаналари, улар яшаб турган шароитлар бир хил эмас. Социалистик мамлакатларнинг ижтимоий тараққиёти ҳамиша ҳам тўппа-тўғри йўлдан боравермайди. Бу тараққиётнинг ҳар бир йирик босқичи янги мураккаб вазифаларни ўртага қўяди, бу вазифаларнинг ҳал этилиши кураш ва изланишлар билан, зиддиятлар ва қийинчиликларни бартараф этиш билан боғланган.

КПССнинг эътиқодича, мана шуларнинг ҳаммаси муштарак манфаатларга зарар етказа оладиган ихтилофларга замин вужудга келмаслиги учун жуда зўр эътиборни, ҳар томонлама ҳамкорлик қилишни талаб этади. Принципиал масалалардаги ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиб бориш, бир-бирининг муваффақиятларидан ўртоқларча манфаатдорлик, олинган мажбуриятларни аниқ бажариш, ҳам миллий, ҳам умумий, интернационал манфаатларни уларнинг узвий ўзаро алоқадорлигида чуқур англаш алоҳида аҳамиятга эга.

Янги жамиятнинг қарор топиши ва ривожланиши жаҳон икки системасининг кескин ўзаро кураши вазиятида рўй беради. Империализм социализмнинг позицияларини заифлаштириш, социалистик давлатларнинг ўзаро алоқаларини ва аввало уларнинг Совет Иттифоқи билан алоқаларини бузиш учун табақалаштирилган тадбирлар — сиёсий, иқтисодий, мафкуравий тадбирларнинг бутун бир системасини ишга солмоқда, рўй бераётган проблемаларни рўкач қилиб, улардан фойдаланиб қолишга уринмоқда, миллатчилик кайфиятларидан қўпорувчилик мақсадларида фойдаланишга интилмоқда. КПСС социалистик мамлакатларнинг мустаҳкам бирлиги, синфий бирдамлиги мана шундай шароитда, айниқса, катта аҳамиятга эга бўлишига асосланиб иш тутади.

**(Давоми 6-бетда).**

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

**(Давоми. Боши 1, 2, 3, 4 ва 5-бетларда).**

Ўз мамлакатларини идора қилувчи Коммунистик ва ишчи партияларнинг марксизм-ленинизм таълимотига содиқлиги, шу таълимотни ижодий қўлланиши, партияларнинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан мустаҳкам алоқаси, уларнинг жамиятдаги обрў-эътибори ва раҳбарлик роли мустаҳкамланиши, партия ва давлат турмушининг ленинча нормаларига қатъий риоя этилиши, социалистик халқ ҳокимиятининг ривожлантирилиши; реал вазиятнинг сергак эътиборга олиниши, вужудга келаётган проблемаларнинг ўз вақтида, илмий асослаб ҳал этилиши; бошқа қардош партиялар билан муносабатларнинг социалистик интернационализм принциплари негизига қурилиши — жаҳон социализми муттасил муваффақиятли ҳаракат қилишининг энг муҳим омиллари эканини КПССнинг, бутун жаҳон социализмининг тажрибаси кўрсатиб турибди.

Социализм мамлакатларидан ҳар бирининг хусусиятлари, уларнинг иқтисодий даражаси, миқёслари, тарихий ва миллий анъаналари қандай бўлмасин, уларнинг ҳаммасининг синфий манфаатлари битта. Социалистик мамлакатларни бирлаштириб, жипслаштириб турган жиҳатлар асосий нарса бўлиб, уларни айириши мумкин бўлган жиҳатлардан беқиёс кўпдир.

КПСС шунга аминдирки, социализм мамлакатлари тенг ҳуқуқлиликка ва миллий манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга тўла-тўкис риоя этиб, тобора кўпроқ ҳамжиҳатлик ва яқинлашув йўлидан бораверадилар. Партия шу тарихий илғор жараёнга кўмаклашаверади.

## II. ОЗОДЛИККА ЭРИШГАН МАМЛАКАТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ

КПСС собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатларга нисбатан ўз сиёсатини белгилаганида шунга асосланадики, илгари асоратда бўлган халқларнинг мустақиллик йўлига кириши ва ўнлаб янги давлатларнинг вужудга келиши, уларнинг жаҳон сиёсати ва экономикасидаги мавқеи ошиши — ҳозирги даврнинг ўзига хос белгиларидан биридир.

Ленин башорат қилганидек, озодликка эришган халқлар бутун инсониятнинг тақдирида катта роль ўйнайдилар. **КПСС бу халқларнинг тобора ошиб борувчи таъсири тинчлик ва социал тараққиёт ишига янада кўпроқ кўмаклашишини ёқлаб чиқаверади.**

КПСС Совет Иттифоқининг озодликка эришган мамлакатлар билан дўстона алоқаларни кенгайтириш йўлини изчиллик билан ўтказади, мустамлака қуллигининг машаққатли, хўрловчи зулмини бошдан кечирган халқларнинг муддаоларига чуқур хайрихоҳлик билан қарайди. Совет Иттифоқи шу мамлакатлар билан ўз муносабатларини уларнинг мустақиллигини қатъий ҳурмат қилиш ва тенг ҳуқуқлилик асосига қуради, бу мамлакатларнинг империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсатига қарши, мустамлакачилик қолдиқларига қарши, тинчлик ва ялпи хавфсизлик учун курашини қўллаб-қувватлайди.

Партия **социалистик йўлни кўзловчи мамлакатлар билан** бирдамликка, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият беради. Ҳар бир халқ янги жамият қуриш учун зарур моддий-техникавий базани асосан ўз кучи билан вужудга келтиради, омманинг фаровонлиги ва маданиятини оширишга эришади. Совет Иттифоқи шу йўлдан бораётган халқларга хўжалик ва маданий қурилишда, миллий кадрлар тайёрлашда, мудофаа қобилиятини оширишда ва бошқа соҳаларда ўз имкониятларига яраша ёрдам бериб келди ва ёрдам бераверади.

КПСС озодликка эришган мамлакатларнинг **революцион-демократик партиялари билан** муносабатларни чуқурлаштиради. Улар орасида ўз фаолиятини илмий социализм асосига қуришга интилаётган партиялар билан, айниқса, мустаҳкам ҳамкорлик таркиб топди. КПСС империализмга қарши ва ватанпарварлик позицияларида турган барча миллий-тараққийпарвар партиялар билан алоқаларни ривожлантириш тарафдоридир.

СССРнинг озодликка эришган мамлакатлар билан муносабатлари практикаси капиталистик йўлдан бораётган ёш давлатлар билан ҳам ҳамкорлик қилиш учун реал замин мавжудлигини кўрсатди. Тинчликни сақлаб қолишдан, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашдан ва қуролланиш пойгасини тўхтатишдан манфаатдорлик; халқларнинг манфаатлари билан империалистларнинг зўравонлик ва экспансия сиёсати ўртасида кескинлашиб бораётган зиддият; ёш давлатлар Совет Иттифоқи билан сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўзларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашишини англаши — мана шундай заминлардир.

Озодликка эришган мамлакатлар бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, қайси йўлдан бормасин, уларнинг халқлари мустақил ривожланиш, ўз ишларини ажнабийларнинг аралашувисиз ўзлари ҳал қилиш иштиёқи билан бирлашганлар. Совет Иттифоқи улар билан батамом бирдамдир. Озодликка эришган мамлакатларнинг тақдирларини белгилаш, ижтимоий тузумни танлаб олиш — уларнинг муқаддас ҳуқуқи эканлиги КПСС учун шубҳасиздир.

КПСС Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг империализмга ва миллатлараро монополияларнинг зулмига қарши, ўз ресурсларини тасарруф этишдан иборат суверен ҳуқуқни қарор топтириш учун, халқаро муносабатларни тенг ҳуқуқли, демократик асосда қайта қуриш учун, янги халқаро иқтисодий тартибни вужудга келтириш учун, империалистлар тиқиштирган қарз асоратидан ҳалос бўлиш учун одилона курашини қўллаб-қувватлайди.

Совет Иттифоқи империализм агрессив кучларининг ҳуружларини қайтараётган, ўз озодлиги, мустақиллиги ва миллий қадр-қимматини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган давлатлар ва халқлар томонидадир. Улар билан бирдамлик — бизнинг давримизда тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун умумий курашнинг муҳим қисми ҳамдир. Партия ҳамон ирқчилик зулми остида қолаётган ва апартеид системасининг қурбони бўлаётган халқлар курашини қўллаб-қувватлашни ўзининг интернационал бурчи деб ҳисоблайди.

КПСС қўшилмаслик ҳаракатининг мақсадларига ва фаолиятига хайрихоҳлик билан қарайди, унинг жаҳон сиёсатидаги ролини ошириш тарафдоридир. СССР бундан буён ҳам агрессия кучлари ва гегемонизмга қарши, юзага келаётган низолар ва можароларни музокаралар йўли билан ҳал этиш учун курашда қўшилмаган мамлакатларнинг тарафини олаверади, бу давлатларнинг ҳарбий-сиёсий гуруҳларга жалб этилишига қарши чиқаверади.

КПСС — озодликка эришган мамлакатларнинг халқаро ишларда тўла ҳуқуқ билан қатнашиши тарафдоридир, уларнинг ҳозирги замон энг муҳим проблемаларини ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси кўпайиши тарафдоридир. Бу мамлакатларнинг социалистик давлатлар билан баҳамжиҳат ҳаракати халқларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро муносабатларни соғломлаштириш, тинчликни сақлаб қолиш учун жуда катта аҳамиятга эга.

**Социал тараққиёт ва миллий озодлик кучларининг иттифоқи — инсониятнинг энг яхши келажаги гаровидир.**

## III. КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР. МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК ВА ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН КУРАШ

КПСС шунга асосланиб иш тутадики, ҳозирги дунё бир-бирига зид бўлган икки ижтимоий системага бўлинган, бу системалар ўртасидаги тарихий низо тинч йўл билан ҳал этилиши мумкин ва лозим. Социализм ўз устунликларини қурол кучи билан эмас, балки ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларидаги намуна кучи билан — экономика, фан ва маданиятни жадал ривожлантириш билан, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш, социалистик демократияни чуқурлаштириш билан исботлайди.

Совет коммунистлари келажак социализмники эканига аминдирлар. Ҳар бир халқ социал ва миллий зулмдан холи жамиятда, чинакам тенг ҳуқуқлилик ва чинакам демократия жамиятида яшашга муносибдир. Ўзини эксплуатациядан ва адолатсизликлардан халос қилиш — мазлум ва эксплуатация қилинаётган халқнинг суверен ҳуқуқидир. Революциялар — ҳар бир мамлакатдаги ижтимоий ривожланишнинг, синфий курашнинг қонуниятли натижасидир. КПСС революцияни «экспорт» қилишни, уни ташқаридан бирон бир мамлакатга тиқиштиришни ҳамиша принципиал жиҳатдан номақбул деб ҳисоблаб келди ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайди. Бироқ, контрреволюцияни «экспорт» қилишнинг ҳар қандай формалари ҳам халқларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин изҳор қилишига, уларнинг ўз ривожланиш йўлини мустақил танлаб олиш ҳуқуқига жуда қўпол тажовуздир. Совет Иттифоқи тарих жараёнини зўравонлик билан тўхтатиб қолиш ва тескари буриб юбориш йўлидаги уринишларга қатъиян қарши туради.

Халқларнинг манфаатлари давлатлараро муносабатлар тинч мусобақа ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўзанига солиб юборилишини талаб қилади.

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча принципни изчиллик билан қатъий ҳимоя қилади.** КПССнинг тушунишича, тинч-тотув яшаш сиёсати: урушдан воз кечишни, низоли масалаларни ҳал этиш воситаси сифатида куч ишлатишдан ёки куч билан дўқ қилишдан воз кечишни, низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишни; бир-бирининг ички ишларига аралашмасликни ва бир-бирининг қонуний манфаатларини ҳурмат қилишни; халқларнинг ўз тақдирини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини; давлатларнинг суверенитети, территориал бутунлигини ва уларнинг чегаралари бузилмаслигини қатъий ҳурмат қилишни; тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат асосидаги ҳамкорликни; халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган принциплари ва нормаларидан тузилган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар виждонан бажарилишини назарда тутади.

Совет Иттифоқи капиталистик давлатлар билан ўз муносабатларини қурадиган фундаментал асослар мана шулардан иборат. Бу асослар СССР Конституциясида мустаҳкамлаб берилган.

КПСС халқаро муносабатларда давлатлараро муносабатларнинг ҳамма эътироф этган ва барча риоя қиладиган нормаси сифатида тинч-тотув яшаш принципини ҳамма жойда қарор топтиришга собитқадамлик билан кўмаклашаверади. У икки система ўртасидаги мафкуравий зиддиятларни шу муносабатлар соҳасига ёйишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Партия халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини ривожлантиришни хавфсизликнинг кенг қамровли ва пухта системасини вужудга келтириш йўлидаги табиий ва зарур босқич деб ҳисоблаб, уни ривожлантиришга интилаверади. Мавжуд ҳамкорлик тажрибаси шу истиқболни рўёбга чиқариш мумкинлигини тасдиқлайди. КПСС — миллий, давлат манфаатларининг умуминсоний манфаатлар билан энг мақбул нисбатларини топиш имконини берадиган интернационал механизмлар ва муассасаларни барпо этиш ва улардан фойдаланиш тарафдоридир. У тинчликни мустаҳкамлашда ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ролини ошириш тарафдоридир.

Дунёдаги вазият учун ядровий давлатлар зиммасига алоҳида масъулият тушади. Ядро қуролига ва бошқа оммавий қирғин қуролига эга бўлган давлатлар уни ишлатишдан ва ишлатиш билан дўқ қилишдан воз кечишлари, халқаро вазиятни кескинлаштиришга олиб борадиган қадамлардан тийилишлари керак.

**КПСС — Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасида нормал, барқарор муносабатлар тарафдоридир,** бу муносабатлар ички ишларга аралашмасликни, бир-бирининг қонуний манфаатларини ҳурмат қилишни, баб-баравар хавфсизлик принципини эътироф қилишни ва амалда рўёбга чиқаришни, шу негизда имкони борича кўпроқ ўзаро ишонч ўрнатишни назарда тутади. Социал системаларнинг, идеологияларнинг тафовути — кескин муносабатлар учун сабаб эмас. Турли соҳаларда самарали ўзаро манфаатли Совет—Америка ҳамкорлигини йўлга қўйиш учун объектив шарт-шароитлар мавжуд. КПСС шунга аминдирки, иккала давлатнинг сиёсати Совет ва Америка халқлари учун ҳам, шунингдек, бошқа халқлар учун ҳам ҳалокатли оқибатлар хавфини келтириб чиқарадиган адоватни эмас, балки ҳамжиҳатликни кўзда тутиб қурилиши лозим.

КПСС шунга аминдирки, кескин проблемаларни ҳал этиш йўлларини қидиришда, можароли вазиятларни бартараф этишда, кескинликни юмшатиш ва қуролланиш пойгасини жиловлаш тадбирларида ўз потенциалидан, географик мавқеидан ва ижтимоий системаларга мансублигидан қатъи назар ҳамма давлатлар — катта давлатлар ҳам, кичик давлатлар ҳам қатнашишлари мумкин ва лозим.

**КПСС Европа давлатларининг тинч яхши қўшничилигини ва ҳамкорлигини янада ривожлантиришга катта аҳамият беради.** Бошқа регионларда бўлганидек, бу ерда ҳам иккинчи жаҳон уруши якунида вужудга келган территориал-сиёсий реалликларни ҳурмат қилиш ижобий жараёнлар барқарорлигининг таркибий шартидир. КПСС бу реалликларни, қандай важлар билан бўлмасин, қайта кўриб чиқиш йўлидаги уринишларга қатъиян қаршидир, реваншизмнинг ҳар қандай кўринишларига зарба бераверади.

Партия Совет Иттифоқининг ташаббуси билан ва унинг актив иштирокида бошланган Европада хавфсизлик, ишонч ва тинч ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёни ривожланиб, чуқурлашаверишига, **бутун дунёни ўз ичига олишига** муттасил интилаверади. КПСС Осиёда хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча манфаатдор давлатларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришни, улар бу проблемани амалий тарзда ҳал этиш йўлларини биргаликда излашларини ёқлаб чиқаверади. Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Тинч океан ва Ҳинд океани ҳавзалари тинчлик ҳамда яхши қўшничилик зоналари бўлиб қолиши мумкин ва лозим.

КПСС — давлатлар ўртасида экономика, фан ва техника соҳасидаги кенг, узоқ муддатли ва барқарор алоқалар тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантирилиши тарафдоридир. Ташқи иқтисодий ҳамкорлик тинчликни мустаҳкамлашга, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш муносабатларига кўмаклашиб, катта сиёсий аҳамият касб этади. Совет Иттифоқи ҳар қандай шаклдаги камситишни, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалардан тазйиқ ўтказиш воситаси сифатида фойдаланишни рад қилади, давлатларнинг иқтисодий хавфсизлиги таъминланишига интилаверади.

КПСС — барча мамлакатлар ўртасида чинакам маданий бойликлар кенг миқёсда ўзаро баҳам кўрилиши тарафдоридир. Бундай баҳам кўриш инсонпарварлик мақсадларига: халқларни маънавий бойитишга, тинчлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Партия, Совет давлати XX асрнинг иккинчи ярмида, айниқса, кескинлашган ва бутун инсоният учун ҳаётий муҳим бўлган оламшумул проблемаларни: атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия, хом ашё, озиқ-овқат ва демография проблемаларини, космосни ва дунё океани бойликларини тинч ўзлаштириш, озодликка эришган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлигига барҳам бериш, хатарли касалликларни тугатиш ва шу каби проблемаларни ҳал этишда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади. Бу проблемаларни ҳал этиш барча давлатларнинг биргаликдаги куч-ғайратларини талаб қилади. Куч ва воситаларни қуролланиш пойгасига исроф қилиш тўхтатилса, бу иш анча енгиллашади.

Инсоният манфаатлари, ҳозирги ва келажак авлодларнинг бахт-саодати йўлида **КПСС, Совет давлати қуролланиш пойгасини тўхтатишга ва қуролсизланишга, халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларнинг кенг амалий программасини қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар.**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси қатъий, ҳар томонлама халқаро контрол остида **ёппасига ва батамом қуролсизланишни** тарихий вазифа деб билиб, бу вазифани амалга ошириш учун курашни давом эттириб, изчиллик билан:

— Айниқса, оммавий қирғин қуроли билан боғлиқ бўлган **ҳарбий тайёргарликлар соҳасини чеклаш ва торайтиришга** интилаверади. Космик фазо ҳарбий рақобат майдони, ўлим ва вайронгарчилик манбаи бўлмаслиги учун уни аввало бу соҳадан батамом соқит қилиш лозим. Космосни тадқиқ қилиш ва ўзлаштириш фан ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, барча халқларнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда фақат тинчлик мақсадларида амалга оширилиши лозим. СССР бу проблемани ҳал этишда коллектив куч-ғайрат сарфланиши тарафдори бўлиб, мана шундай халқаро ҳамкорликда фаол қатнашади. Совет Иттифоқи ядро қуроли тарқалмаслигига, шу қуролдан ва бошқа оммавий қирғин воситаларидан холи зоналар вужудга келтирилишига кўмаклашувчи тадбирлар кўрилиши учун ҳам ҳаракат қилади;

— Ядро **қуролларини батамом тугатишга** олиб борадиган ҳамда бу қуролнинг ҳамма турларини синаш ва ишлаб чиқаришни тўхтатишни, барча ядровий давлатларнинг биринчи бўлиб ядро қуроли ишлатишдан воз кечишини, унинг ҳамма аслаҳахоналарини кўпайтирмаслик, қисқартириш ва йўқ қилиб ташлашни ўз ичига оладиган тадбирлар амалга оширилишига;

— **Оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини,** шу жумладан химиявий қуролни **ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва тугатишга,** бу қуролнинг янги типлари яратилишини тақиқлашга;

— **Давлатларнинг,** аввало, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатларнинг ҳамда ҳарбий битимлар орқали улар билан боғланган давлатларнинг **қуролли кучларини қисқартиришга,** оддий қуролларни чеклашга, уларнинг ўз зарба бериш кучи жиҳатидан оммавий қирғин қуролига яқинлашадиган янги турлари яратилишини тўхтатишга, давлатларнинг ҳарбий харажатларини қисқартиришга;

— **Ер куррасининг энг хатарли районларида қўшинлар ва қурол-яроғларни кўпайтирмаслик ҳамда қисқартиришга,** ўзга территориялардаги ҳарбий базаларни тугатишга, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, қуролли можаролар чиқиши, шу жумладан тасодиф натижасида қуролли можаролар чиқиши хавфини камайтириш тадбирларини кўришга интилаверади.

КПССнинг позицияси дунёнинг ҳарбий-сиёсий гуруҳларга бўлиниб кетишини тугатишга ҳаракат қилишдан иборат. КПСС — НАТО ва Варшава Шартномасининг айни бир вақтда тарқатиб юборилиши ёки биринчи қадам сифатида — уларнинг ҳарбий ташкилотлари тугатилиши тарафдоридир. Ҳарбий блоклар ўртасидаги қарама-қаршиликни камайтириш мақсадида Совет Иттифоқи улар ўртасида ўзаро куч ишлатмаслик ва тинчлик муносабатларини давом эттириш тўғрисида бошқа ҳамма давлатлар учун ҳам очиқ бўлган шартнома тузилиши учун ҳаракат қилаверади.

КПСС қурол-яроғларни чеклаш, уруш хавфининг олдини олиш масалалари томонларнинг тенглиги ва баб-баравар хавфсизлиги асосида ҳалол ва қатъий риоя этиладиган аҳдномалар йўли билан ҳал қилинишига, музокараларни «зўравонлик позицияларида» туриб ўтказиш, ундан қурол-яроғларни кўпайтириш учун ниқоб сифатида фойдаланиш мақсадидаги ҳар қандай уринишларга йўл қўймасликка интилаверади.

Совет давлати ва унинг иттифоқчилари ҳарбий устунликка эришишга интилмайдилар, аммо жаҳон майдонида вужудга келган ҳарбий-стратегик мувозанат бузилишига ҳам йўл қўймайдилар. Шу билан бирга улар бу мувозанат даражаси муттасил камайишига, иккала томоннинг қурол-яроғлари миқдори қисқартирилишига, барча халқларнинг хавфсизлиги эса таъминланишига изчиллик билан интилаверадилар.

**КПСС тантанали равишда маълум қиладики, Совет Иттифоқи ҳақиқий контролни қўлланиб, ўзаро асосда ҳар қандай қуролни чеклаш ёки тақиқлашга тайёрдир.**

СССР хоҳ ғарбдаги, хоҳ шарқдаги биронта мамлакатнинг хавфсизлигига тажовуз қилмайди. У ҳеч кимга таҳдид қилмайди, биронта давлат билан мухолифликка интилмайди, барча мамлакатлар билан тинчликда яшашни хоҳлайди. Улуғ Октябрь давридан буён Совет социалистик давлати халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик байроғини баланд кўтариб келмоқда. КПСС бундан буён ҳам Лениннинг шу байроғига содиқ бўлиб қолади.

## IV. КПСС ХАЛҚАРО ИШЧИЛАР ВА КОММУНИСТИК ҲАРАКАТИДА

КПСС — халқаро коммунистик ҳаракатининг таркибий қисмидир. У социалистик жамиятни такомиллаштириш ва коммунизм сари илгарилаб бориш соҳасидаги фаолиятини ўзининг энг муҳим интернационал вазифаси, деб ҳисоблайди. Бу вазифанинг ҳал этилиши жаҳон социалистик системасининг манфаатларига, халқаро ишчилар синфининг, бутун инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Социал ва миллий зулмга қарши ҳамиша энг изчил курашчи бўлиб келган коммунистлар эндиликда Ер юзида тинчликни сақлаш учун, кишиларнинг яшаш ҳуқуқи учун ҳам курашнинг олдинги сафларида турибдилар. Улар уруш хавфининг сабабларини аниқ-равшан тушунадилар, халқаро кескинлик кучайтирилишининг, қуролланиш пойгасининг ҳақиқий айбдорларини фош қиладилар, урушга қарши курашга ҳисса қўша оладиган ҳамма кишилар билан ҳамкорлик қилишга интиладилар.

КПСС носоциалистик дунё коммунистик ва ишчи партиялари мураккаб ва зиддиятли вазиятда ҳаракат қилаётганлигини ҳисобга олади. Улар олиб бораётган кураш шарт-шароитлари ва формаларининг доираси жуда кенгдир. Аммо бу ҳол ҳаракат имкониятларини торайтирмай, балки аксинча кенгайтиради. Улар фаолияти формаларининг хилма-хиллиги коммунистларга миллий хусусиятларни ва конкрет-тарихий вазиятни, аҳоли турли социал группалари ва табақаларининг манфаатларини яхшироқ ҳисобга олиш имконини беради.

КПСС шунга асосланадики, ҳар бир мамлакатнинг коммунистлари аҳволни мустақил таҳлил этадилар ва баҳолайдилар, ўзининг стратегик йўлини, ўз сиёсатини мустақил равишда белгилайдилар, яқин ва пировард мақсадлар учун, коммунистик идеаллар учун курашнинг у ёки бу йўлини мустақил танлаб оладилар. Коммунистик партиялар тўплаган тажриба қимматли интернационал мулкдир.

КПСС чет эл коммунистик партияларининг проблемалари ва тажрибасини эътибор билан ўрганади. КПСС уларнинг ўз стратегияси ва тактикасини такомиллаштириш, монополияларга, урушга қарши ҳаракатлар платформаси негизида синфий иттифоқларни кенгайтиришга эришиш, демократия учун кураш социализм учун курашнинг таркибий қисми эканлигига асосланиб, меҳнаткашларнинг иқтисодий манфаатларини ва сиёсий ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш йўлидаги интилишларини яхши тушунади.

Турли мамлакатларнинг империалистик доиралари социализмга, барча демократик кучларга қарши ҳаракатларини пухта мувофиқлаштириб олиб борадилар, бир компартияни иккинчисига қарама-қарши қилиб қўйишга интиладилар. Бундай шароитда пролетар интернационализмининг, коммунистлар ўртоқларча бирдамлигининг аҳамияти ўса боради.

КПСС айрим масалалар юзасидан келишмовчиликларнинг мавжудлиги коммунистик партияларнинг интернационал ҳамкорлигига, уларнинг якдил ҳаракатларига тўсқинлик қилмаслиги керак, деб ҳисоблайди.

Қардош партиялар ўртасида айрим проблемалар юзасидан келишмовчиликлар рўй берган тақдирда КПСС бир-бирларининг қарашларини яхшироқ тушуниш ва ўзаро мақбул фикрларга келиш мақсадида ўртоқларча муҳокама юритишни фойдали, деб ҳисоблайди. Марксизм-ленинизмнинг революцион моҳияти ҳақида, реал социализмнинг моҳияти ва роли тўғрисида гап борганида, КПСС бундан буён ҳам принципиал позицияларда туриб, оппортунизм ва реформизмга, догматизм ва сектантликка зарба бераверади. Коммунистлар фаолиятининг синфий моҳиятини чиппакка чиқариш, мақсадларнинг революцион характерини ва уларга эришиш йўлидаги кураш воситаларини бузиб талқин этиш борасидаги ҳар қандай уринишларга нисбатан КПССнинг муносабати ҳам худди ана шу билан белгиланади. Маркс-Энгельс-Ленин таълимоти асосларидан четлашиш коммунистик ҳаракат имкониятларини заифлаштиражагини тажриба кўрсатиб турибди.

Қардош партиялар билан муносабатларида **КПСС пролетар интернационализми принципига қатъий амал қилади.** Бу принцип революцион бирдамликни ҳам, ҳар бир партиянинг тўла мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигини эътироф этишни ҳам узвий равишда қамраб олади. КПСС ана шу принципга асосланиб, коммунистик ва ишчи партиялар билан алоқаларни фаол ривожлантиради, ахборотларни ўзаро баҳам кўради, икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларда, зарурат туғилишига қараб ўтказиладиган регионал ва янада кенгроқ халқаро кенгашларда қатнашади.

Совет коммунистлари капитал дунёсидаги синфдош ўртоқларини ҳамиша қўллаб-қувватлайдилар. КПСС реакция бебошлигининг жабрдийдалари бўлган коммунистларни ҳимоя қилиш учун ўзининг халқаро нуфузидан фойдаланади. КПСС қардош партияларнинг бирдамлигини, уларнинг антисоветизмга қарши курашини ғоят қадрлайди. Социалистик ва носоциалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаши — ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилидир.

КПСС социалистик, социал-демократик, лейбористик партиялар билан алоқаларни ривожлантириш йўлини давом эттираверади. Бу партиялар билан ҳамкорлик аввало, ядровий урушнинг олдини олишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Ишчилар ҳаракатидаги турли оқимлар ўртасида ихтилофлар ҳар қанча жиддий бўлмасин, бу ҳол мунтазам ва самарали равишда фикрлашиб олиш учун, уруш хавфига қарши, халқаро вазиятни соғломлаштириш, мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш учун, меҳнаткашларнинг манфаатлари ва ҳуқуқлари йўлида бир хил тарзда ва ҳатто биргаликда ҳаракат қилиш учун халақит бермайди.

КПСС халқаро ишчилар ҳаракатидаги барча отрядларнинг ҳамкорлигини кучайтиришга, турли мамлакатларнинг ҳар хил йўналишдаги касаба союзлари, ёшлар, хотин-қизлар, деҳқонлар ташкилотлари ва бошқа демократик ташкилотларнинг ҳамжиҳат ҳаракатларини чуқурлаштиришга катта аҳамият беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон ишчилар синфи ва унинг коммунистик авангарди олдидаги тарихий масъулиятини чуқур англаб, бундан буён ҳам:

— жаҳон коммунистик ҳаракатининг революцион идеаллари ва марксча-ленинча асосларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, илмий социализм назариясини ижодий тарзда ривожлантиради, догматизм ва ревизионизмга қарши, буржуа идеологиясининг ишчилар ҳаракатига кўрсатадиган ҳар қандай таъсирига қарши изчил курашаверади;

— қардош партияларнинг жипслиги ва ҳамжиҳат ҳаракати учун, коммунистларнинг интернационал бирдамлиги учун, коммунистик ҳаракат жаҳон урушининг олдини олиш ишига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш учун ҳамма ишни қилаверади;

— ўзларининг муштарак манфаатлари учун, халқларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлиги учун, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун курашда халқаро ишчилар синфининг, барча меҳнат аҳлининг ҳамжиҳат ҳаракат қилиш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

## ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

# ПАРТИЯ—СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ РАҲБАР КУЧИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ижтимоий тараққиётга кўрсатаётган таъсирининг чуқурлиги ва қудрати жиҳатидан мисли кўрилмаган йўлни босиб ўтди. Унинг дастлабки марксистик тўгараклардан уч халқ революцияси оша улуғ социалистик давлатга раҳбарлик қилишгача кўтарилиши ғоят шитобли бўлди.

Совет халқининг янги жамият қурилишидаги тарихий зафарлари, Улуғ Ватан урушида эришилган ғалаба, мамлакатнинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг тобора юксак поғоналари сари дадил ҳаракат қилиб бораётганлиги, Совет Иттифоқининг жаҳон тараққиёти жараёнига кўрсатаётган таъсири ўсганлиги Коммунистик партиянинг фаолияти билан чамбарчас боғланган. Коммунистик партия омма тарихий ижодининг илҳомчиси ва ташкилотчиси, жамиятимизнинг раҳбар ва раҳнамо кучидир. Марксизм-ленинизм назарияси билан қуролланган партия мамлакат тараққиётининг бош истиқболини белгилайди, халқнинг бунёдкорлик фаолиятига илмий раҳбарликни таъминлайди, коммунистик қурилишга уюшган, планли ва собитқадам характер бахш этади.

СССРда социализм қурилганлиги, меҳнаткашларнинг ҳамма табақалари ишчилар синфи позицияларига ўтганлиги, совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги мустаҳкамланганлиги натижасида Коммунистик партия ўзининг синфий моҳияти, идеологияси жиҳатидан ишчилар синфининг партияси бўлиб қолгани ҳолда бутун халқ партиясига айланди. Бу — революцион ворисликни, КПСС ички ва ташқи сиёсатининг, бутун фаолиятининг синфий характерини белгилаб беради.

Ички тараққиёт соҳасида ва халқаро майдонда масъулиятли вазифалар мамлакат олдига қўйилган янги тарихий шароитларда совет жамиятининг ҳаётида **партиянинг раҳбарлик роли қонуниятли равишда ўсаборади,** партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик фаолияти даражасига нисбатан янада юксакроқ талаблар қўйилади. Қуйидаги асосий омиллар буни тақозо этади:

— социализмни такомиллаштириш, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифалари миқёсларининг ўсганлиги ва мураккаблиги, бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайдиган сиёсатни ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш, жамиятни иқтисодий, социал ва маънавий ривожлантиришни ўзаро узвий равишда боғлаб бориш зарурлиги;

— омманинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш, ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришга оммани кенг жалб этиш асосида сиёсий системани ривожлантириш, демократияни, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш;

— марксча-ленинча назарияни ижодий тарзда тобора ривожлантириш, коммунистик қурилиш практикасини чуқур идрок этиш, ҳаёт ўртага қўяётган саволларга илмий асосда ва ўз вақтида бериладиган жавобларни топиш, меҳнаткашларнинг онгини ўстириш, майда буржуа психологияси ва ахлоқининг сарқитларини, социалистик турмуш тарзи нормаларидан ҳар қандай чекинишларни бартараф қилишга эҳтиёж туғилганлиги;

— социалистик мамлакатларнинг жипслигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини кенгайтириш, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатларининг бирлигини мустаҳкамлаш, буржуа идеологиясига, ревизионизм ва догматизмга, реформизм ва сектантликка қарши кураш манфаатлари;

— империализмнинг агрессивлиги кучайганлиги муносабати билан ташқи сиёсий шароитларнинг мураккаблашганлиги, ҳушёрликни ошириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, агрессия кучларини жиловлашга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга, инсониятни ядровий ҳалокат хавфидан қутқазишга, ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган куч-ғайратни янгидан тобора ошириб бориш зарурлиги.

КПСС жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга ошира бориб, бундан буён ҳам синалган ленинча принципларни изчиллик билан қўлланаверади, партия ишида, давлат ва хўжалик бошқарувининг ҳамма соҳаларида ленинча услубни қарор топтиради, ўз сиёсатининг илмий жиҳатдан асослаб берилишини кучайтиради; омманинг коллектив ақл-идроки ва тажрибасига кенг кўламда таянади, унинг ижтимоий ташаббусини ривожлантираверади. КПСС ғоявий-назарий, сиёсий-тарбиявий, ташкилотчилик ва хўжалик фаолиятининг бирлигига, ҳар қандай турғунлик ва консерватизм билан муросасиз курашга, социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва ғоявий-тарбиявий проблемаларни ўз вақтида ҳал этиш йўлларини ижодий тарзда қидириб топишга принципиал аҳамият беради.

КПСС партия, давлат ва жамоат органлари функцияларининг ўзига хос хусусиятларини синчиклаб ҳисобга олиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириб олиб бориш, бир-бирини такрорлашга йўл қўймаслик, сиёсий раҳбарлик органлари бўлмиш партия комитетларининг ролини ошириш, бошқарув аппаратининг ишида расмиятчилик кўринишларини, бюрократик ва бошқа хилдаги бузилишларни йўқотиш; партия қарорлари, халқ хўжалик планларининг бажарилиши устидан контролни кучайтириш, давлат ва меҳнат интизомини, тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблайди.

**(Давоми 7-бетда).**

